

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ЯНАДА ОБОД, ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНГАН ШАҲАРГА АЙЛНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни пойтахтимиздаги бир қатор муҳим лойиҳалар билан танишди, маҳалла аҳли билан суҳбатлашди. Шунингдек, масъуллар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида долзарб масалаларни муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитенидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Инсон учун ўз меҳнатлари самарасини кўриш, одамларга қувонч улашиш – катта бахт. Мамлакатимизда халқнинг мушкуллари осон, узоғини яқин қилишга қаратилган бундай хайрли ишлар жуда кўп.

Биргина транспорт соҳасини олганда, сўнгги йилларда улкан лойиҳалар амалга оширилди. 2020 йил августда Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи ишга туширилган эди. Ўша йил декабрда Сергели йўналиши очилди. Бугунги кундаги йўловчилар оқимидан билиш мумкинки, бу лойиҳалар ўзини тўла оқлади.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, мазкур икки йўналишни боғловчи Қўйликдан Сергелигача бўлган метрополитен барпо этилмоқда. Қарийб 12 километрлик бу қисмда 7 та бекат бўлади. Айти кунларда унинг Қурувчилар даҳасигача борган 5 та бекати қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди. Нурунийлар ва фаоллар билан суҳбатда лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

– Охириги йилларда бу борада ҳам тажриба тўпладик. Қўйлик йўналишида 7 та, Сергелида 5 бекатли ер усти метролари қурилди. Олдин Тошкент метрополитенидан 240 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда 600 мингдан ошди. Режамиз – 1 миллион йўловчи. Агар ўз вақтида буни бошламаганимизда, шаҳар транспортда коллапс бўлиши мумкин эди. Энди муқобил энергетикани ҳам ўрганмасак бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга метрода юрди.

Қурувчилар даҳасидан Қипчоқ бекатигача бўлган қарийб 4 километрлик метро йўли ҳам яқин ойларида ишга туширилади. Шу тариқа, Қўйлик ва Сергели орасидаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлик – Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 40 минггача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши мумкин.

Умуман, ушбу босқич қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенининг

жами узунлиги 70 километрдан зиёд, бекатлар сони 50 та бўлади. Метрода юрвчи кунлик йўловчилар сони 650 минггача етади. 245 та янги иш ўрни яратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги «Aysel Energy» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Маълумки, бу йилги киш анча совуқ бўлгани электр энергияси тизимидаги муаммоларни яққол юзага чиқарди. Хусусан, айрим эски трансформаторлар юкланишни кўтара олмай, электр таъминотида узиллишлар кузатилди.

Давлатимиз раҳбари соҳа мутасаддиларига электр тармоқларини янгилаш, зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Бу ташриф ўша вазифалар ижроси, келгусида энергетик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг бир қисми.

«Aysel Energy» йилига 10 минг дона йирик электр ускуналари ишлаб чиқариш қувватига эга. Туркия технологияси ўрнатилган корхонада маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннари ва ўрнатиш харажати кам. Бу эскирган трансформаторларни нафақат пойтахтда, балки бутун республикада янгилаш имконини беради.

Мутасаддилар бу йил мамлакатимизда 3 минг 200 та трансформатор, 12 минг километр кабелларга зарурат борлиги ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари импорт таҳлилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий маҳсулотларга буюртмаларни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман, энергетика соҳасидаги бундай ишлар электр тармоқларининг барқарорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Эзгулик маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Бу ерда 26 та кўп қаватли уй бор, 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди.

Президентимиз маҳалла вакиллари билан ҳол-аҳвол сўради. Нурунийлар ўтган совуқ кунларда халқимизнинг ва давлат идоралари хизматчиларининг бирлиги билан қийинчилик ортада қолдирилганини айтишди. Энергетика ва коммунал хизматлар 24 соат давомида ишлаган, тезкор чоралар кўриб борилган. Хусусан, маҳалладаги трансформатор ҳам янгиланган.

– Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Энергетикада 3-4 карра кўпроқ захира яратишимиз зарур. Шунинг учун қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга эътибор беряпмиз. У – муқобил, ишончли ва экологик тоза, – деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллалардаги устувор вазифа аҳоли бандлиги ва ёшлар тарбияси

экани таъкидланди. Шу боис ҳам бу йил юртимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинди. Ўқувчилар мактабда иккита хорижий тил ва битта касб ўрганиб чиқиши учун шароит яратилмоқда. Халқимиз бу ҳаракатни қўллаб-қувватламоқда.

Нурунийлар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда шаҳар ва туманлар мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Авалло, энергетика масалаларига эътибор қаратилди. Бу борадаги кўшимча манбалардан бири қайта тикланувчи энергия. Тошкент шаҳрида камида 2 минг мегаваттга яқин қувватли қуёш панелларини ўрнатиш мумкинлиги қайд этилди.

Хусусан, кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар ва бошқа биноларнинг том қисми, саноат зоналари, автотурагоҳ ва йирик сув иншоотлари ҳудудини қамраб олиш мумкин. Бу чоралар кўрилса, ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда қутилаётган 240 миллион киловатт соатлик қўшимча талабни 4 баравар ортиғи билан, яъни 1 миллиард 80 миллион киловатт-соат ҳажмда таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Президентимиз электр ишлаб чиқаришда давлат монополиясидан кетиб, рақобатли муҳит жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, давлат панель ўрнатган тадбиркорлардан электрни кафолатли сотиб олади. Кейинги йилдан эса бошқа истеъмолчиларга ҳам сотиши мумкин бўлади. Аҳоли ўз хонадонидан панель ўрнатса, эҳтиёжда ортиқ тармоққа сотган электр энергиясининг ҳар бир киловатти 1 минг сўмдан сотиб олинади.

Шу боис саноат зоналари ва йирик корхоналарда 400 миллион киловатт-соатлик қуёш панеллари ўрнатиш, Юқори Чирчиқ туманида 500 мегаваттлик қуёш электр станциясини қуриш чоралари белгиланди. Ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида ҳам қуёш панеллари ўрнатиш, саноат корхоналарида электр йўқотишларини камайитириш, магистрал иссиқлик тармоқлари ва 1 817 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимини янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Умуман, шаҳарда қайта тикланувчи энергия жорий қилиш учун 1 миллиард доллар йўналтирилади.

Йиғилишда 2023 йилда пойтахтда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Янги иш ўринларини яратиш бўйича улкан марраларга эришишда тадбиркорларга таяниш, уларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Жумладан, бу йили Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм кредит йўналтирилади, оилавий тадбиркорлик учун 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Шаҳар маҳаллаларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш учун 1,4 триллион сўм, шунингдек, «Ташаббусли бюджет» доирасида 573 миллиард сўм йўналтирилиши қайд этилди.

Президент маҳаллаларни обод қилиш, йўллар ва сув иншоотларини таъмирлаш масалаларига ҳам тўхталди. Шунинг учун шаҳардаги 584 та маҳалланинг ҳар бирига бюджетдан қўшимча 1 миллиард сўмдан, жами яна 584 миллиард сўм ажратишга қарор қилинди.

Йиғилишда жамоат транспорти соҳасига яна бир эътибор қаратилди. Йўловчиларга қулайликларни ошириш мақсадида 1 апрелга қадар қўшимча мингта автобус олиб келиниб, 25 та кўчада автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилиши, светофорларни йўловчи оқимига қараб бошқариш, автотурагоҳлар ва паркоматлар ташкил қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари қурилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаётгани, яшил майдонлар ташкил қилиш ишлари қурилишлар билан ҳамоҳанг олиб борилмаётганини танқид қилди. Шу боис шаҳарнинг бош режаси тасдиқланмагунча янги қурилишларга мораторий эълон қилинади.

2023 йилда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражасини 28 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда 100 гектар майдонда боғ ташкил қилиниб, «Тошкент яшил белбоғи» лойиҳаси бошланиши айтилди.

Пойтахтда чиқинди билан ишлаш ҳам қоникарсиз экани кўрсатиб ўтилди. «Махсустрас» фаолиятини ислоҳ қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш якунида шаҳар раҳбарияти ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботи тингланди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида хизматларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш режалари тақдироти ўтказилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари**



XORIJIY TILLARNI BILISH — HARBIYLAR UCHUN MUHIM

Harbiy xizmatchi deganda ko‘z o‘ngingizda harbiy libos kiygan, kuchli va qurol-aslahali zabardast bir inson gavdalanadi, to‘g‘rimi? Zamonaviy harbiy xizmatchi deganda-chi? U qanday “qurollangan” bo‘ladi? Fikrimizcha, bugun zamon talabiga aylanib borayotgan IT texnologiyalari va albatta, xorijiy tillardan boxabar bo‘lgan Vatan posbonlari savolimizga javob bo‘la oladi.

Xalqaro armiya o‘yinlarida, xorijiy o‘quv mashg‘ulotlarida, tajriba almashinuv jarayonlarida mutaxassislar bilan to‘g‘ridan to‘g‘ri muloqotga kirishish, shuningdek, milliy armiyamizdagi xorij texnikalarini qiyinchiliksiz boshqarish va ta‘mirlay olishi uchun harbiy xizmatchilar, shubhasiz, chet tillardan boxabar bo‘lishlari lozim. Qurolli Kuchlar “Tinchlik yo‘lida hamkorlik” dasturi tayyorlash markazi ana shu maqsadda harbiy xizmatchilarni o‘qitadi. Biz yangidan barpo etilgan markaz faoliyati bilan tanishdik.

Mutaxassislarning bizga ma‘lum qilishicha, markazning yangi binosi Prezidentimiz tashabbusi bilan qisqa davrda qurib bitkazildi. Salkam 20 yil avval tashkil etilgan mazkur ta‘lim maskani bugungacha yetarli sharoitga, hatto o‘z o‘quv binosiga ham ega bo‘lmagan. Natijada harbiy xizmatchilarni xorijiy tillarga o‘qitishda, xalqaro kurslarni tashkil etishda markaz imkoniyatlari ancha cheklangan edi.

Malika SOATOVA, ingliz tili katta o‘qituvchisi:

– Bilasizmi, til o‘rganishda o‘sha tilda so‘zlashuvchilar madaniyati, muhiti o‘rganuvchi uchun muhim sanaladi. Xususan, harbiy xizmatchilar uchun ham. Shu sabab axborot-resurs markazimiz tilga doir ilmiy-o‘quv va badiiy adabiyotlar bilan boyitilgan. Shuningdek, markazimizda har hafta so‘ngida oraliq nazorat olinib, tinglovchilarning egallagan bilimlari reyting asosida baholab boriladi. Bu ham tinglovchiga yanada yuqori natijaga erishishi uchun motivatsiya beradi. Shuni alohida aytish joiz, ta‘lim maskanimizda G‘arb va Sharq tillari, xususan, ingliz, rus, nemis, pushtu, dari kabi 8 ta xorijiy til 6 oy mobaynida intensiv usulda mukammal o‘rgatiladi va kurs oxirida barcha tinglovchilar A1 darajadan B2-C1 darajalargacha xalqaro va milliy til sertifikatlari olish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Markaz 34 ta o‘quv sinfi, 8 ta multimedia laboratoriya xonalari va internet tizimiga ulangan 3 ta axborot-resurs markazi, shinam yotoqxonasi, oshxona, trenajyor zali, sport maydoni, qo‘shimcha mashg‘ulot xonalariga ega. Bu sharoitlarni

ko‘rgan-eshitgan har qanday harbiy xizmatchining xorijiy tillarni o‘rganishga bo‘lgan ishtiyoqi oshadi, shunday emasmi?

Dars jarayonlarini kuzatar ekanmiz, mashg‘ulotlarda tinglovchilarga xorijiy tillar interfaol usullardan foydalanilgan holda o‘rgatilayotganiga guvoh bo‘ldik. Biz ingliz tilini o‘rganayotgan tinglovchilarni suhbatga chorladik, til o‘rganayotganlariga ko‘p bo‘lmagan bo‘lsa-da, ingliz tilida bergan savollarimizga erkin javob qaytarishdi.

Mayor Akim MAMAJONOV, markaz tinglovchisi:

– “Cyber security”, ya‘ni kibernetika xavfsizlik, o‘z nomi bilan bevosita ingliz tiliga bog‘liq xalqaro atama. Bu sohada til bilmasdan dasturlash tilini o‘rganib bo‘lmaydi. Shuning uchun men o‘z kasbimning professionalini bo‘lish maqsadida markazda bilimlarimni mustahkamlamoqdaman.

Tibbiy xizmat kapitani Dilshod JO‘RAYEV, markaz tinglovchisi:

– Men nemis tilini o‘rganyapman. Sababi harbiy tibbiy hospitalimizdagi ko‘plab tibbiy uskuna va apparatlar Germaniyada ishlab chiqarilgan, yo‘riqnomalari ham nemis tilida. Men ularni tarjimonsiz tushuna olishim, undan bemaol foydalanishim va bemorlarni tezkor davolashim uchun bu tilni mukammal bilishim shart. Qolaversa, xorijiy tillarni chuqur o‘rganib, xalqaro harbiy tibbiy hamkorlikda o‘tkaziladigan treninglarda tajriba oshirish niyatim ham bor.

Markazda, shu bilan birga, muzokaralar va mehmonlarni kutish xonalari ham mavjud bo‘lib, bu yerda kelgusida turli davlat harbiy delegatsiyalari bilan hamkorlik tadbirlari o‘tkazilishi rejalashtirilgan. Muassasada tashkil etiladigan xalqaro kurslar uchun sertifikatlar olish va akkreditatsiyadan o‘tkazish imkoniyati ham mavjud. Tabiiyki, bu imkoniyatlar mamlakatimiz nufuzining xalqaro maydonda yanada oshishiga xizmat qiladi.

Yulduz O‘RMONOVA,
jurnalist



МУҲИМ ВОҚЕАЛАР,

МАЪЛУМОТЛАР,
САНАЛАР

Хондамирнинг қайд қилишича, Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та рабат, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган.

Алишер Навоий Шайхим Суҳайлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдулло Марворий, Қулмуҳаммад Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонли Машҳадий, Абдуҷамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонли Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур котиблар, Беҳзод каби мусаввирларнинг ҳомийси ва устози эди.

1470-

йилларнинг охирларида туркий тилдаги илк девони – «Бадоеъ ул-бидоя» («*Бадийлик ибтидоси*») дунёга келди. Унда 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 10 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 муҳаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас бўлиб, бундай мукамал девонни тузиш Навоийгача камдан-кам ўзбек шоирига насиб бўлган.

1483–1485

йилларда туркий тилда «Хамса» – беш дostonни ёзиб битирди. Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланган бу асар туркий халқлар учун ғўзал тўхта бўлди. Улуғ шоир ҳаёти давомида ўнлаб бетакрор асарлар яратди.

1487

йилда Навоий Астрободга ҳоким қилиб тайинланади. У ҳокимлик қилган 2 йил давомида Астробод шаҳри ва вилояти ободонлаштирилиб, қўшни давлатлар билан яхши муносабатлар ўрнатилди, савдо ишлари йўлга қўйилади.

Орзуси Ҳусайн Бойқарони адолатли ва маърифатли ҳукмдор қиёфасида кўриш эди. Астрободдан Ҳусайн Бойқарога ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислохотлар ўтказишга ундар эди. Лекин Алишер Навоийнинг истаклари тўла амалга ошири қийин эди. Астрободда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатларига путур етказувчи гаплар юзага келгач, подшоҳ Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Ҳусайн Бойқаро Навоийга бир неча юксак лавозимларни таклиф қилади. Алишер Навоий рози бўлмагач, унга «Муқарраби ҳазрати султоний» («*Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси*») деган расмий унвон берилди. Бу билан у давлатнинг ҳамма ишларига аралаша олар ва подшоҳ билан кўришиш имконига ҳам эга бўлар эди.

Айрилиқ. 1488 йил Саййид Ҳасан Ардашер, 1492 йил Жомий, 1493 йил олим ва шоир Паҳлавон Муҳаммад бирин-кетин ҳаётдан кўз юмди. Навоий ўзи учун кадрдон бўлган бу инсонлар хотирасини абадийлаштириш, уларга ўз ҳурмати изҳор этиш учун «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («*Беш ҳайрат*»), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли рисолаларини ёзди.

1490-

йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакатда ижтимоий-сиёсий танглик кучая бошлади. Темурийлар хонадонидан ҳукмдор ўғиллари ўртасида юзага келган зиддиятлар эса бу тангликни янада кучайтиради. Ҳар бир шаҳзоданинг ўз тарафдорлари бўлиб, уларни муроасага келтириш кўп вақт Алишер Навоий зиммасига тушар эди. Бош вазир Низомулмулк эса 1496–1497 йилларда бу оилавий можароларда бир томонлама ҳаракат қилиб, Музаффар Мирзонинг онаси – Хадичабегимга ён босади. Шу асосда Ҳусайн Бойқаро билан Астрободда ҳокимлик қилаётган Бадиуззамон ўртасида ҳарбий тўқнашув юз берди. Саройдаги фитна, жумладан, Низомулмулкнинг қабиҳлиги натижасида Бадиуззамоннинг ўғли, Ҳусайн Бойқаронинг энг сеvimли набираси, Навоийнинг эса ихлос қўйган шогирди Мўмин Мирзо фожиали ўлдирилади. Булар ҳаммаси Алишер Навоий ҳаёти ва кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

1500

йилнинг декабри. Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли – Муҳаммад Ҳусайн билан сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтар экан, Алишер Навоийни ҳам уни кутиб олиши лозимлигига ишорат қилади. Орада 2-3 кунлик йўл бор эди. Алишер Навоий ўзининг сўнгги шеърини Поёб работида ёзган ва ундан нусха кўчиртириб, келаётган Ҳусайн Бойқарога юборган. Учунчи кун Алишер Навоий ҳукмдор истиқболига яқинлашаётганида ўзини ёмон ҳис этган, у билан кўришаётганда ҳушидан кетиб, қайтиб ўзига келмаган ва ҳаётдан кўз юмган.

Вафоти – 1501 йил 3 январь, Ҳирот.

Муаттар **МУҲАММАДИЕВА**
тайёрлади.

Алишер Навоий – Низомиддин Мир Алишер буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби.

Таваллуди – 1441 йил 9 февраль. Ҳирот.

Бобоси – (ота томондан) Амир Темурнинг Умар Шайх исми ўғли билан кўкалдош (*эмикдош*). У Умаршайх ва Шоҳрух хизматида бўлган.

Отаси – Ғиёсиддин Баҳодир Абулқосим Бобурнинг яқинларидан, мамлакатни идора этишда иштирок этган.

Онаси – (исми номаълум) Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг қизи.

Болалиги – Шоҳрух хукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан бирга тарбияланган.

4 ёшида савод чиқарган, туркий ва форсий тилдаги шеърларни ўқиб, ёд ола бошлаган.

1449

йил оиласи билан Ироққа кўчади. Ироқ шаҳарларининг бирида «Зафарнома» муаллифи, шоир Шарафиддин Али Яздий билан учрашади. Бу учрашув болада ёрқин таассурот қолдиради.

Тоғалари: Мирсаид – Кобулий, Муҳаммад Али – Ғарбий етук шоир эди.

10-12

ёшларидан шеър ёза бошлаган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш Алишер истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лutfий, унинг:

*Оразин ёпқоч, кўзимдин
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур
юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш*
матлали ғазалини тинглаб:

«Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирдим...» деган.

13-14

ёшларида отаси ҳаётдан кўз юмади. Уни Абулқосим Бобур ўз тарбиясига олади, катта бадий истеъдоди учун ғоят эъзозлайди. 1457 йилнинг баҳорида тўсатдан Абулқосим Бобур ҳам вафот этди.

Алишер Навоий учун бу отаси вафотидан кейинги иккинчи оғир жудолик эди.

15 ёшида шоир сифатида кенг танилган.

Тахаллуслари – Навоий (*туркий*), Фоний (*форсий*).

Самарқандда 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача яшайди. Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида ўқийди. Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Ҳожибекнинг ёрдамида давлат ишлари билан ҳам шуғулланади. Самарқандда унга «Чигатой амири» унвони берилди.

1469

йил Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни муҳрдорлик мансабига тайинлайди. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг энг хавфли сиёсий рақиби – Ёдгор Муҳаммад Мирзони тунда қўлга олишда шахсий жасорат кўрсатади. Янги ҳукуматнинг ортиқча солиқларидан норози бўлиб, қўзғолон кўтарган халқ оммасини тинчатишда адолат ва мардонаворлик билан иш тутади.

Ҳусайн Бойқаро 1472 йилда унга «Амири кабир» унвонини беради. Алишер Навоий янги лавозимда аввало бутун кучини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратади. Султон Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилган, Алишер Навоий ҳукуматда бош вазир вазифасини эгаллаган пайтларда ҳеч бир мамлакатга қарши босқинчилик уруши олиб борилмади.

ЧАРХНИНГ МЕН КЎРМАГАН ЖАБРУ ЖАФОСИ ҚОЛДИМУ?

Улуғ мутафаккир, бетакрор шоир ва буюк саркарда, турк элининг фахру ифтихори бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақиқатан зиддиятли. Бир тарафдан жуда нозик дидли шоир сифатида инжа англамларни ва ҳисларни шеърга солса, бир тарафдан катта қўшинни бошлаб, жангу жадалларга бош бўлади. Аммо Мирзо Бобур инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш ва уни қадрлаш борасида бебадал шахс эди. Жонини таҳликаларга қўйиб, дўстлик ва қариндошлик ҳаққини адо қилар экан, бу йўлда баъзан тожу тахтни ва вилоятни бой беради, лекин одамийликни сақлаб қолади.

Беқайдмену хароби сийм эмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаъим эмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангларким, муқим эмасмен.

Бобуршоҳ кичикликдан одам қадрини сийму зар, молу дунё, ҳатто салтанатдан баланд қўйиб яшади. Кишидан бир мурувват кўрган бўлса, уни умрининг охиригача унутмади. Етса моли, етмаса жони билан қариндошлик ва дўстлик ҳаққини адо қилди.

Тўққиз юз учинчи (1497–1498) йил воқеалари баёнида Самарқандни янги олиб, энди салтанат ишларини йўлга қўяётганида Андижонда Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан ёғиқиб, иниси Жаҳонгир Мирзони подшо кўтариш мақсадида Андижон устига бостириб келадилар. «...Менинг волидаларим ва Мавлоно қозидин муттасил, бу мазмун била хатлар келур эдиким, бизларни мундоқ муҳосара қилибдурлар. Агар келиб фарёдимишга етмасангиз, иш вубол бўлғусидур».

Бу пайт Бобур Самарқандда оғир бетоб эди. Шу аҳволига қарамай, у Андижонга кўмак учун йўлга чиқади. Узлуқиб, касали оғирлашиб қолади. «Андоқким тўрт кунгача тилим тутулди. Оғзимга пахта бирла сув томизурлар эрди». Беклар бироз тузалгач йўлга чиқишни маслаҳат берадилар, Бобур кўнмайди.

«Бобурнома»да ўқиймиз: «...Устод ва пиримдинким, Хожа Мавлонои қоз айрилмайдур эдим, то ўзумни билиб эдим, бу йўсунлик ранж ва машаққатни билмайдур эдим», деб эслайди Бобур Мирзо ўз хотираларида.

Бобур етиб бормасидан душманлар Хожа қозини шаҳид қиладилар. Андижон учун Самарқандни ташлаб чиқади, Андижонни ғанимлар олиб қўядилар. Аро йўлда кўп маъюс бўлади. Ўн беш яшар йигит учун бу жуда оғир синов эди. Қариндошлик ва дўстлик ҳаққини риоя қиламан, деб тожу тахтидан, ота пойтахти бўлган Самарқанддек вилоятдан ҳам ажраб қолган эди. «Бисёр шоқ ва душвор келди, то подшоҳ бўлуб эдим, бу навъ навкардин ва вилоятдин айрилмайдур эдим, то ўзумни билиб эдим, бу йўсунлик ранж ва машаққатни билмайдур эдим», деб эслайди Бобур Мирзо ўз хотираларида.

Бобуршоҳ ғалабаларининг сири яна шунда эдики, у ўзига эл бўлган халқларни қаттиқ туриб ҳимоя қилар, аскарларнинг бебошлиқларига кескин чоралар кўрар, шу йўл билан оддий одамлар меҳрини, Худонинг ризосини топар эди. Ўзга беклар қўл остида босқинчилик ва талончиликка ўрганган навкарларнинг бебошлиқларига нисбатан қаттиққўллик билан чора кўради. Ўзига тобе бўлган элларни ўзгага талатиб қўймайди. Тўққиз юз тўққизинчи йил воқеалари баёнида ўқиймиз: «Бу юрттин кўчиб, Қорабоғ ёнидаги Оксаройга тушилди. Хисравшоҳнинг эл куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навқари бравнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтириб таёқлаттим, таёқ остида ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».

Маълумки, йиғи киши кўнглининг юмшоқлигини, ҳисларининг ўткирлигини, тасаввур дунёсининг бойлигини

кўрсатади. Бировнинг дардига йиғлай олган одамнинг кўнгли Аллоҳга яқин бўлади. Аммо кичикликдан жангу жадаллар ичида юрган кишининг дийдаси қотиб, бировнинг қайғусини тортмайдиган ҳолатга келиб қолади ва ўлимга нисбатан ҳам бепарвороқ бўлади. Буни биз уруш кўрган танишларимиз сўхбатларидан яхши биламиз. Бироқ Бобур Мирзонинг шахсий хислатлари оддий одамларники каби эмас, у жанглари ичида улғайиб, бир неча маротаба ўлим даҳшатини бошидан кечирган бўлишига қарамасдан, ўз яқинлари, дўстлари, ҳатто навкарлари бошига тушган мушкулотдан қаттиқ таъсирланади, кўп вақт уларнинг ғамида йиғлаб ҳам юради.

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йил воқеалари баёнида Нўён исмли навқарининг вафоти ҳақида тўхталар экан: «Менга ғариб таъсир қилди, кам кишининг фавтига мунча мутаассир бўлуб эдим. Бир ҳафта-ўн кунгача ҳамиша йиғлар эдим», деб ёзади.

Ҳижрий тўққиз юз саккизинчи (1502–1503) йил Бобурнинг тоғалари – Султон Муҳаммад ва Султон Аҳмад – Олачахон биргаллашиб Бобурнинг вилоятиниким Фарғонадур озод қилиш ҳаракатида қўшин билан кўмак келадилар, аммо Андижон қўлга киритилгач, дархол Олачахонга берадилар. Шунда Бобурнинг ички беклари чаргасидаги амирлардан бири «Қанбар Алибекким салоҳқа машҳур эди, манга ёндашиб келиб айттиким, кўрдингизму, филҳол бўлган вилоятларни олдилар, сизга булардин иш очилмас, ҳолоким Ўш ва Марғилон ва Ўзганд ва кирган вилоят ва эл ва улус илқингиздадур, филҳол бориб, Ўшқа кириб, қўрғонларни беркитиб, Султон Аҳмад Танбалға киши йибориб, ярашиб, мўғулни уриб чиқариб, вилоятларни оға-ини ҳисса қилишинг. Мен дедимким, раво бўлмағай, хонлар тўққонларим, буларга навкарлик қилғоним, Танбалға подшоҳлик қилғондин ортиқроқдур».

Бобур Мирзонинг инсонийлик ва мардлик хусусиятлари ҳижрий 911 йил воқеалари баёнида янада аниқроқ кўзга ташланади. Кобулни олганда Боқи Чағаниёний билан аҳду шарт қилиб, бир муддат эшик ихтиёрини Боқиға бериб қўяди. Боқи Чағаниёний дўстлик ва ичкилик ҳаққини риоя қилмай, ҳадидан ошади ва мулкни ўзи тасарруф қилмоқчи бўлади. «Кобулнинг ҳосиликим бор тамғадиндур, тамғани олиб ва Кобулнинг доруғалиғи ва Панжхир ва Кадий ва Ҳазора ва Кушак ва эшик ихтиёри тамом анда эди. Ушмунча риоят топиб, асло рози ва шоқир эмас эди. Бовужудким не навъ фосид хаёллар қилиб эди, нечукким мазкур бўлди, асло ўзимизга олмадук, юзиға солмадук, ҳамиша ноз қилиб рухсат тилар эди. Нозини тортиб, узрхоҳликлар била манъ қилур эдук. Бир-икки кун босилиб, яна рухсат мақомида бўлур эди. Нози ва рухсати ҳаддин ошти, биз ҳам анинг ахлоқ ва афъолидин жонға еттуқ, рухсат бердук. Рухсат тилагандин сўнг пушаймон бўлди, изтироблар қила киршиди. Манга айттириб юборибтурким, шарт қилиб эдиларким, тўққуз гуноҳ мендин содир бўлмағунча сўрмағайлар. Мен мулло бободин ўн бир гуноҳини бир-бир хотирнишон қилиб айттириб

юбордим. Мулзам бўлди... Агарчи биз Боқиға ҳеч ямонлик қилмай қўя бердук, вале ўз ямонлиғи олиғи келиб, ўз алиғи гирифтюр бўлди».

912 ҳижрий йилда (1506–1507) Хиротдан Кобулга қайтаркан, Бобуршоҳ узоқ бўлса ҳам Қандаҳор йўли билан юрайлик, бежавотир ва беташвишдур, дейди. Қосимбек тоғ йўлини танлайди. Йўл бошловчи Султон Пешойи қарилгидан йўл йитириб, қорда қийин аҳволга тушиб қоладилар. Отлар юролмай пиёда қор тепиб йўл очиш керак бўлганда Бобур Мирзо Қосимбекка танбех бермасдан ва хатосини юзига солмасдан ўзи ва ичкилари билан қор тепиб, йўл очишда ёрдам беради. Ўзининг қадимий бекларидан бўлган Қосимбекнинг ҳурматидан навкарлар қаторида пиёда қор тепиб йўл очди. Нафақат Қосимбекка, балки бошқа бек ва навкарларга ҳам ўзининг подшолигини пеш қилмайди. Дўстлик ва ҳамкорлик ҳурматини сақлаб, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан қор тепа киришади. Ички бекларидан ўн-ўн беш киши унга эргашади, бошқалар эса ерга қараб бошини қуйи солганча, тай-ёр йўлдан юраверадилар. Журъати ва ҳиммати етмаган кишини мажбурлаш Бобур Мирзога хос иш эмас эди. Бундай ишларни мардлиги бор киши ўзидан билиб қилиши керак, деб ҳисоблайди у. «Бобурнома»да ўқиймиз:

«Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий-бир ярим шаръийдан ортук кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди икки ўғли Тангриберди ва Қамбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб қор тепар эдук, ҳар киши етти-сепкиз-ўн қари илгари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйғонда белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Бир неча қадам борғондин сўнг илгариги кишининг ҳамли қўйуб турар эди яна бир киши илгари ўтар эди, бу ўн-ўн беш-йигирма киши яёқ қорниким тепар эди, онча бўлур эдиким, бўш отни тортса бўлур эди. Бўш отни тортилур эди, узангусигача, қоптолиғача кўп-кўп, бота-бота бу бўш от ҳам ўн-ўнбеш қадамча йўл юруб толикур эди. Бу отни ёқаға тортиб, яна бир бўш отни илгари тортилур эди. Ушбу дастур била биз ўн-ўн беш-йигирма кишининг отлари-ўқ илгари тортилди, ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва бек отонғонлар отларидин ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон йўлга кириб, бошларини қуйи солиб келурлар эди. Маҳал ул эмас эдиким, кишиға таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур».

Ўша сафарда Бобур Мирзонинг яна бир мардлиги, инсонпарварлиги ва дўстларга садоқат ва мурувватини кўрсатувчи воқеа юз беради. Қўшин минг азоблар билан йўл юриб, уч-тўрт кунда кўтали Заррининг тубига ҳаволи Қутийга етиб келадилар. Қор чопқунлаб ёға бошлади. «Андоқким, борчаға



Ўлим ваҳми бўлди. Ул эл тоғдаги ғор ва ко-

вакларни ҳавол дерлар.

Бу ҳаволга етганда чопқун беҳад тез бўлди. Ушбу ҳавол қошида ўқ тушилди. ...мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, ўзумға бир таёқ миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим. Ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елга паноҳ бўлди, ўшанда-ўқ ўлтирдим. Ҳар неча дедиларким ҳаволға бориб, бормадим. кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била мунда, борча улус ташвиш била машаққатта мен мунда уйку била фароғатта. Мурувваттин йироқ ва ҳам-жиҳатлиқдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турарин, бир форси масал бор: «Марг бо ёрон сураст» ўшандоқ чопқунда ясагон чуқурда ўлтурдум, намози хуфтангача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуруб эдим, орқамға ва бошимға ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди. Ушул кеча қулоқларимға совуқ таъсир қилди».

Ҳатто Бобуршоҳнинг юришларига шумнафаслик билан тўсқинлик қилган Муҳаммад Шариф мунажжимини ҳам олдинги хизматларини инobatга олиб, бир лак инъом қилади ва қаламравидан чиқариб юборади.

Ҳиндистон фатҳидан жуда катта миқдорда моддий бойликларни қўлга киритган Бобуршоҳ ўз тарафдори Шаҳзода Таҳмосбни ҳам муносиб совғалар билан сийлашни унутмайди. «Панжшанба куни шаъбон ойининг ўн бешида хожагий Асадниким, Ироққа элчиликка бориб, Сулаймон туркман била келиб эди, яна Сулаймонға қўшуб, Шаҳзода Таҳмосбқа муносиб савғотлар била элчиликка йиборилди.»

«Бобурнома»ни varaқлар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасида Бобур Мирзонинг кўплаб инсоний хислати ўз аксини топганини кўрамиз. У кўз олдимизда ўзининг дарду ҳасратлари, қизиқишлари ва интилишлари, ҳис-туйғулари билан тирик инсон сифатида, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган, бу йўлда тинимсиз курашаётган оддий бир одам сифатида гавдаланади. Бобдан бобга ўтиб борган сари Бобурнинг шахс сифатида такомиллашиб борганини, инсон сифатида қўли очиклиги, бағри кенглиги душманлари ва рақобатчиларига нисбатан вақти келганда бешафқатлиги, кези келганда кечиримлилиги, дўстлари ва қариндошларига нисбатан ҳар қандай ҳолатда ҳам ғоят сабрли, эътиборлилигига, бағишлаш ва саховатининг бекиёслигига гувоҳ бўламиз.

Ориф ҲОЖИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Жорий этилганига ҳали кўп бўлмаган «Тўмарис» кўкрак нишонига биринчилардан бўлиб лойиқ кўрилганлар сафида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази кичик сержанти Амина Мамедова ҳам бор. Аминани таниганлар уни самимий, хушчақчақ ва тўғриси эканлигини инкор этмайди. Биз билан суҳбат жараёнида ҳам бошидан кечирган воқеаларни позитив кайфият билан гапириб бердики, беихтиёр ундаги хушқайфият, албатта, суҳбатдошга ҳам «юқиши»ни ҳис этдик. Унинг гапларини оққа кўчирар эканман, яна бир бор кайфиятимда энгиллик сездим, юзимда ним табассум билан суҳбатни ёздим ва сизга ҳам илиндим...

ТЎҚҚИЗ ЁШИМДА СПОРТ УСТАСИ БЎЛГАНМАН...

Тўрт ёшимда онам мажбурлаб гимнастикага олиб борган ҳамда мураббийга мен билан алоҳида ишлаш кераклигини, нима қилиб бўлса ҳам олимпиада чемпиони бўлишим шартлигини уқтирган. Мураббий эса бир менга, бир онамга қараб табассум қилган. Мен ҳеч нарсани тушунмай, оғзимда сўғич билан ҳайратланиб ўтирардим. Онаминг сўзларини эшитган мураббий, бунинг учун тинимсиз меҳнат ва сабр кераклигини айтган. Онам шахт билан мени олиб чиқиб кетган. Онаминг сабри олти ойга етди холос. Тўрт ярим ёшга етганимда яна ўша мураббийнинг олдига олиб борди. Жаҳл билан оғзимдаги сўғични улоқтирди-да, олдинги шартлар билан мураббийга юзланди. Имкони қолмаган

мураббий эса (*кулади*) мен билан машғулотлар ўтказишга рози бўлди. Ҳар куни йиғлардим. Машғулотларга бормайман, деган раддиям онаминг кўнглини юмшатоламасди. Гимнастика спорти билан шуғулланиш учун инсон танаси эгилувчан бўлиши керак. Менга бундай эгилувчанликни шакллантириш учун берилётган кўрсатмаларни бажариш оғирлик қиларди. Охир-оқибат олти ойлик хархашаларим ўз самарасини берди ва мен бу спорт турини ташладим.

Энди акробатика билан шуғулланишни бошладим. Унда ҳам эгилувчанлик талаб этилар экан. Тўққиз ёшимда ушбу спорт тури бўйича спорт устаси бўлгандим. Аммо акробатика олимпия ўйинлари таркибида йўқлиги жонимга оро кирди. Онаминг бирдан-бир орзуси эса мени олимпиада чемпиони бўлишим эди. Кейин самбо билан шуғулландим. Бу ҳам олимпиада йўналишидаги спорт тури эмас экан. Охир оқибат дзюдодо тўхтадик. Ҳам онаминг орзуси амалга ошадиган бўлди, ҳам мен татамида курашадиган бўлдим. Тўғриси, менга бу спорт тури жуда ёқиб борарди. Қизлар йўқ ҳисоби, ўғил болалар эса мен билан курашмасди. Ҳаммаси қочарди. Мураббийга айтиб, барибир мен билан курашишга мажбурлардим. Тасаввур қилиб кўринг, қайси ўғил болага ёқади қиз боладан энгилиш.

БИРИНЧИ УСТОЗИМ ОНАМ

Оилада онамга нисбатан дадамнинг феъли юмшоқроқ. Аммо онам аёл киши бўлишига қарамасдан, анча қаттиққўл, чўрткесар ва дангал инсон. Менга кўпроқ онаминг характери ўтган бўлса керак. Лекин ўзимга ҳам характерим ёқади. Дилимда нимани ўйласам, тилимда шу фикр намоён бўлади. Дангалчиман. Вақти келса чўрткесарман. Мени таниган барча дўстларим ва танишларим менга мослашган. Хафа бўлишмайди. Аксинча, яхши кўришади. Инсон ҳеч қачон иккиюзламачи бўлиши керак эмас. Мен бу борада онамни устозим, деб биламан. Спортда нимага эришган бўлсам, бунга онам сабаб. Агар у киши кўлимдан етаклаб олиб бормаганида менга спорт бегона бўлар эди.

БОШҚА МАНЗИЛГА ТУШИБ ҚОЛГАНДИМ...

Дзюдо бўйича мусобақаларга қатнашиб юрган пайтларим эди. Худди шундай мусобақалардан бирида полковник Мансур Мадаминов ёнимга келиб, «Ҳарбий либос кийиш ҳақида ўйлаб кўрмайсанми?!» деб қолди. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан, розиман, деб юбордим. Болаликдаги орзум ҳам аслида ҳарбий бўлиш эди-да. Сал олдин Қуролли Кучлар академиясига хужжат топшириш учун борганимда, аёлларни ўқишга қабул қилмаймиз, дейишганди. Орзумга етиштирадиган таклиф бўлиб турган пайтда, иккиланиб ўтириш ноурин. Мансур аканинг таклифи сабаб ҳарбий либос кийдим. Орадан анча вақт ўтгандан кейин армия ўйинларига саралашлар бўлаётганлиги, ўзимни синаб кўришим мумкинлигини айтиб қолишди. Лекин сал мураккаброқ бўлади, қийналиб қолмайсанми, дейишганида қатъий оҳангда «йўқ» дедим. Мен қийинчиликларни яхши кўраман. Енгил йўл билан қийин йўлни танлаш керак бўлса, доим қийин йўлни танлаганман. Ўзим ҳам қийинчиликларни энгиб ўтиб, натижага эришганимда роҳатланаман.

Хуллас, бизни дала-ўқув майдонига олиб боришди. Биринчи маротаба ўз кўзим билан полигонни кўриб тургандим. У ердаги вазият умуман бошқача эди. Аёллар қўлида қурол, бошида каска, елкасида эркак кишини опичлаганча югурарди. Тўғриси айтман, мен аниқ бошқа манзилга тушиб қолгандим. Бир тарафда бошқа ҳарбий аёллар автоматдан нишонни ўққа тутишарди. Қўрқиб кетдим. Орқага бир тисарилдим. Умримда автомат кўрмаганман. Менга нишонга қарата ўқ узишим кераклигини тушунтиришяпти. Аммо менинг кўзларим олазарак бўлаётганлигини пайқаган масъуллар бир бошидан тушунтиришди. Секин-аста ўргана бошладим.

Биринчи йил иккинчи жамоада иштирок этишга мажбур бўлдим. Аммо иккинчи йилдан ўзимга мақсад қилдимки, қатнашсам биринчи жамоада қатнашаман ва ўзимни нималарга қодирлигимни кўрсатаман. Мен барчасини уддалайман. Буни қарангки, кейинги йил барча ҳаракатларим натижа берди ва мен АрМИ – 2021 мусобақасининг рекордчисига айландим. Яна қанақа йўналишда, автоматдан нишонга аниқ ўқ узиш бўйича. Айни шу йўналишда рекорд бўлганидан хурсанд бўлиб кетдим. Охирида шуни англадимки, манзилда адашмаган эканман...

АРМИЯ ИРОДАМНИ ТОБЛАДИ

Эсимни танибманки, спорт билан шуғулланаман. Ҳар қандай қийин вазиятларни бемалол энгиб ўта оламан, деб ўйлардим. Фуқароликда тобланганларим, дала машғулотлари олдида ҳеч нарса эмас экан. Буни ҳис қилиш учун 10-15 кун мобайнида жанговар ҳолатдаги кийимлар билан автоматни осиб олган ҳолда, саратоннинг иссиғи-ю, қаҳратоннинг совуғида машғулотларни бажариб кўрган инсон билади. Инсоннинг иродаси ҳам, сабрининг чегараси ҳам, қатъиятлилиги ҳам полигонда билинади, тобланади. Бошдан ўтказаетган инсон сифатида аниқ айта оламанки, спортчи бўлиш, қолаверса, ҳарбий спортчи бўлиш учун жуда катта жасорат керак экан. Мендан ёши катта ҳарбий опаларимнинг машғулот жараёнларини кўриб айтаманки, буларнинг ҳар бири Тўмариснинг ҳақиқий издоши. Тўғри, улар от устида қилич кўтариб, ёвга қарши курашаётгандир. Аммо уларнинг матонати, иродаси ва жасорати, қилич кўтариб жангга кирган саркарда аёллардан кам эмас.

ТАҚДИРНИНГ КУТИЛМАГАН ТУҲФАСИ

Ҳаракат қилмаган одам хато қилмайди. Доимий ҳаракатда бўлган инсон, албатта, бирор натижага эришаркан. Онаминг олимпиада чемпиони бўлишим ҳақидаги орзуси (*ҳозирча*) амалга ошмаган бўлса-да, мен эришган ва тақдир туҳфа этган «сюрприз»ларидан барчамиз бирдек миннатдоримиз. Дзюдо бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, Сиёё ўйинлари совриндори бўлдим. Қолаверса, болалигимдаги орзум – ҳарбий спортчи бўлишдек бахтга мушарраф бўлдим. Сафдошларим билан натижа учун жамоа бўлиб курашиш кераклигига кўникдим. Менга энг ёқимли бўлган онлар мудофаа вазирининг қўлидан кўкрак нишонини олиш бўлди. Саҳнага чиқиб, «Ҳурматли мудофаа вазири, кичик сержант Мамедова тақдирланиш учун келди...» мана бундай онлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аслида ҳарбий хизматчи учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бунинг учун Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази раҳбариятига, устозларимга ва ота-онамга раҳмат айтаман. Келажакда Президентнинг қўлидан ҳам орден-нишонларни олиш учун бор куч-ғайратимни аямайман. Бунинг учун барча имкониятлар етарли, шароитлар яратилган. Биздан фақат ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат қилишимиз талаб этилади холос.

ХУЛОСА

Болалигимдан ҳаётда ўз ўрнимни топиш учун фақат ва фақат ўзимга ишонишим кераклигини онам уқтириб келган. Ҳеч нарса абадий эмас. Шундай экан, ёшликнинг қувватини керакли ва фойдали нарсаларга сарфлаш мақсадга мувофиқ. Тенгдошларим ва улғайиб келаётган ёшларга айтмоқчиманки, вақтни бесамар ўтказманг. Қийин ва машаққатли йўлдан қочманг. Машаққатларда инсон иродаси тобланаркан. Иродали бўлиш учун, албатта, қийин ва тўғри йўлни танланг. Машаққатлар ортида роҳат борлигини ҳаётим ва фаолиятим давомида кўриб турибман.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



МАМЛАКАТИМИЗДА аёлларга қаратилаётган эътибор, уларнинг ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Мазкур йўналишдаги туб ислохотлар замирида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва опсингиларимизнинг бахтли ҳаёт кечирishини таъминлаш энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Аёлларнинг жамият ва давлат ишларидаги фаоллиги таъминланаётган аини пайтда улар Қуролли Кучларимиз сафларида ҳам эркаклар билан елкама-елка, мардонавор хизмат қилиб, катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда.

САРҲАДИМИЗ ТЎМАРИСЛАРИ

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳам аёл ҳарбий хизматчиларнинг юрт ҳимояси йўлида олиб бораётган шарафли хизматлари алоҳида эътироф этилиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қудратини юксалтириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, ёшларимизни ватанпарварлик, истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса

қўшаётган, буюк аждодларимизнинг издошлари бўлган аёл ҳарбий хизматчиларни, ходимларни, ишчи ва хизматчиларни муносиб рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2022 йилнинг 15 ноябрида «Тўмарис» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги қарор имзоланди. Ушбу кўкрак нишони жорий йилда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганнинг 31 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тадбирларида барча куч тузилмалари томонидан ўзининг илк соҳибаларига тантанали тарзда топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида ҳам аёл ҳарбий хизматчи ва ишчи-хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳарбий жамоалар ва оилалардаги ахлоқий-руҳий муҳитни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ва эришилаётган натижалар самараси ўларок, бугунги кунда ДХХ Чегара қўшинлари аёл ҳарбий хизматчиларининг бир гуруҳи «Содиқ хизматлари учун» ва «Шўҳрат» медаллари ҳамда «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан мукофотланган. Эндиликда уларнинг сафи янада кенгайиб, ўзининг юқори профессионаллик маҳорати ва ҳарбий-ватанпарварлик бурчиға

садоқатини намоён этиб келаётган яна 9 нафар аёл «Тўмарис» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Подполковник Светлана Каримова, I даражали сержант Алифтина Биктимирова, II даражали сержант Албина Курбанова, III даражали сержантлар – Моҳира Раҳимова, Гулчеҳра Абдуллаева, Нелли Позюбарова, кичик сержант Дилрабо Худойбердиева, хизматчилар Валентина Оролова ва Холбиби Муҳаммадиева мазкур кўкрак нишонининг илк соҳибалари бўлганларидан ниҳоятда мамнун.

– Мен 17 йилдан буён ҳарбий тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораман. Бугунги кунда ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий госпиталининг жаррохлик бўлими катта ҳамширасиман, – дейди I даражали сержант Алифтина Биктимирова. – Сарҳадларимиз посбонлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан ҳамда биз, аёл ҳарбий хизматчиларнинг камтарона хизматларимиз Президентимиз ва раҳбарият томонидан бундай юқори эътироф этилаётганидан жуда хурсандман. Кўксимга «Тўмарис» кўкрак нишонини қадаб, аввало, ота-онам, сўнг устозимнинг уйларига бордим. Зеро, ҳаётимда эришаётган ҳар бир ютуғимни шу инсонларнинг дуоси ва меҳнатлари маҳсули деб билман. Табиийки, уларнинг қувончи меникидан-да зиёда бўлди.

Албатта, мукофотланган тўққиз нафар сарҳад Тўмарисининг ҳар бири билан суҳбатлашсангиз, бу кун уларнинг ҳаётларида унутилмас, эсда қоғарли кунлардан бири бўлиб, кучига куч, шижоатига янада шижоат қўшганини алоҳида таъкидлайди.

Ишончимиз комилки, қалби гулдай нозик, иродаси эса метиндек мустаҳкам ушбу опа-сингилларимиз кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлардан руҳланиб, зиммаларидаги хизмат вазифаларини янада масъулият билан тўлақонли адо этган ҳолда бундан-да юқори натижаларга эришаверадилар.

Майор Фариди БОБОЖОНОВА
 ДХХ Чегара қўшинлари

✓ **ЈАНОН КУБОГИ**

ТАШКИЛОТ СПОРТЧИ ҚИЗЛАРИ ҲАМ ШОҲСУПАДА



Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида спортнинг ўқ отиш тури бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг аёллар ўртасидаги финал босқичида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Алина Тарасова, Нигина Саидқулова ва Ситора Эргашбоевадан иборат трио 2-ўринни эгаллади. Ушбу баҳсда биринчи ўрин корейлик спортчи қизларга насиб этди.

Қувонарлиси, 10 метрга пневматик тўппончадан отиш бўйича кумуш медалга сазовор бўлган трио аъзолари Алина Тарасова «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши, Нигина Саидқулова эса Сурхондарё вилояти кенгашининг пневматик қуролдан ўқ отиш секциялари спортчилари ҳисобланади. Ситора Эргашбоева Самарқандда «Ва-

танпарвар» ташкилоти спорт мураббийларидан ўқ отиш бўйича дастлабки сабоқларини эгаллаган.

Эслатиб ўтамиз, Жакарта шаҳрида ўтган жаҳон кубогиде «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиси Муҳаммад Камолов 10 метрга пневматик тўппончадан отиш бўйича эркаклар ўртасида барча рақибларидан устун келиб, 1-ўринни эгаллаганди.



Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти матбуот хизмати



«ВАТАН ТАЯНЧИ» КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг 400 га яқин аъзосига «Ватан таянчи» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

2022 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш

тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Бу, ўз навбатида, юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мутлақо янгича йўналиши бўлиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Қарорда давлат умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 10-11-синф ўқувчилари орасидан ватанпарвар, энг интизомли ва билимли, ташаббускор бўлган 20 нафар

ёшни саралаб олиш орқали «Ватан таянчи» отрядларини ташкил этиш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, бугунги тадбирда ҳам Тошкент шаҳридаги 15 та отряд аъзоларига «Ватан таянчи» ҳаракатининг нишонлари топширилди.

Шунингдек, қарорда ҳаракат фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли идора ва ташкилотларга вазифалар, отряд аъзоларининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқиш-

га киришлари учун имтиёзлар ҳам назарда тутилган.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар ҳаракат аъзоларига самимий тилак билдирар экан, келгусида ўз тенгдошлари орасида ҳақиқий ватанпарвар, етакчи ва ташкилотчи бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



✓ ARMIYA — TARBIYA MAKTABI



АНДИЖОНЛИК ЁШЛАР ЙИҒИНИ

Андижон вилоятининг ўнлаб ёшлари учун Шарқий ҳарбий округ ҳарбий қисмларидан бирида 10 кунлик «Ёш ватанпарварлар» ўқув йиғини ўтказилди.

Бир неча йилдан буён вилоят ҳарбий-маъмурий сектори билан ҳамкорликда муқим иш жойига эга бўлмаган ва ички ишлар органлари назоратида бўлган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга касб ўргатиш, ҳаётда ўз ўринларини топишларида кўмак бериш каби мақсадларда

ташкил этилаётган йиғин машғулотлари таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоалари, маҳаллалар ёшлари қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Жорий йилдаги илк машғулотлар ҳам ёшлар учун қизиқарли ўтди.



Унда йиғин иштирокчилари ахлоқий-руҳий, психологик, саф ва жанговар тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиб, ўзларининг мамлакат тинчлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга дахлдор эканликларини чуқур ҳис этдилар. Шунингдек, йиғинга жалб этилган ёшларни касбга йўналтириш мақсадида вилоят «Ишга марҳамат» мономаркази ходимларини жалб қилган ҳолда бир неча мутахассислик бўйича дастлабки назарий ва амалий билимлар берилди.

– Ҳар бир машғулот биз учун ёдда қоларли бўлди. Айниқса, ҳарбий ҳаёт, тартиб-интизом, жанговар тайёргарлик машқлари. Ўн кун давомида ҳарбий хизматнинг нечоғлиқ машаққатли ва шу билан бир қаторда, шарафли касб эканлигини англадим. Бу йиғинда укам ҳам иштирок этаётганидан отам-онам мамнун, – дейди Сарварбек Муҳаммадсобиров.

– Мен 10 кунлик йиғин давомида мономарказ мутахассисларидан касб

ўрганиш бўйича маслаҳат олдим ва кейинги фаолиятимни пайвандлаш касби билан давом эттиришни ўз олдимга мақсад қилдим, – дейди Омаджон Тўхтаохунов.

Йиғин давомида олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган 22 нафар ёшга ўқув юртлари ҳақида маълумотлар берилди. 13 нафар ёшнинг сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташи белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматга борувчи ёшларнинг рўйхати мудофаа ишлари бошқармаси томонидан шакллантирилди. Йиғиннинг қолган иштирокчилари Андижон шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида ўзлари қизиққан касб-ҳунарларни эгаллайдиган бўлишди.

**Подполковник
Фахриддин НУТФИЛЛАЕВ,**
Шарқий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи

Ўзимни грузин адабиёти билимдони ёки грузин адабларининг чин мухлиси деб айтолмайман. Ростини айтсам, Грузия ва унинг адабиёти ҳақида билганларим бир инсон номи билан боғлиқ – Нодар Думбадзе. Аниқ айтолмайман, ёзувчининг асарлари ўзбек адабий тилига саксонинчи йилларда чевирилган бўлса керак. Илк марта унинг «Мен, бувим, Илко ва Иларион» асарини ўқиб чиққанман. Ўшанда ўн уч ёшда эдим. Бу китоб бошқаларидан жуда фарқ қиларди. Болалик, ёшлик, севги, ўзаро муносабатлар оддий ва самимий тасвирларда уста рассом ижодидек кўз ўнгимда гавдаланган. Шу-шу бўлди-ю, унинг асарларига ошиқ бўлдим.

«Абадият қонуни»ни ўқидим, «Кукарача»... Миллатни танитадиган ёзувчилар экан асли. Нодар Думбадзе асарларини ўқиганимдан сўнг умримда ҳеч кўрмаганим Грузияни биладигандекман. Шу кунга қадар Грузия ва Нодар Думбадзе номлари мен учун бир англамдадир. Иккисини бир-бирдан айро тасаввур қила олмайман.

Табиийки, бу ўлка адабиёти биргина Нодар Думбадзедан иборат эмас! Шунчаки мутолаага ташна бир ўсмир қиз учун ўзбек адабий тилига маҳорат билан чевирилган бу асарлар ноёб топилма каби бўлган. Барибир, қанчалик порлоқ адаблари бўлса ҳам, у менинг сеvimли ёзувчим бўлиб қолаверади.

«Жаҳон адабиёти» деган мухташам бир журнал борлигини яхши биласиз. Унда алоҳида бир мамлакатга бағишланган бўлим мавжуд. 2014 йилнинг апрель сонигадаги «Глобус» Грузияга бағишланган. Шу муносабат билан бир қатор грузин адабларининг драма ва ҳикоялари эълон қилинди. Улардан икки адиб – Нугзар Шатаидзе, Реваз Мишвеладзе асарларини сизга тавсия қилишни маъқул топдик.

«Куз» ҳикояси рус тилидан Файзи Шоҳисмоил, «Армон» эса Ҳамидулло Исмаилов томонидан ўзбек адабий тилига таржима қилинган. Иккиси ҳам мукамал!

Нугзар Шатаидзенинг «Куз» ҳикоясидан **ўқиймиз:** «Сентябрда иссиқ пасайиб, чидаса бўладиган ҳолатга келади. Осмон тубсиз ва ложувард бўлиб қолади. Дарё тозаланиб, хантал рангидаги енгил тўлқинларни ҳайдай бошлайди. Тиниқ сувда юпқа сирпанчиқ тошлар кўринади. Ҳавода нам япроқ ва балиқ хиди анқийди. Соҳилбўйи майсазоридан анча салқин бўлади. Дарахт остида ўсган қўнғир йўсин чайқалади. Қуёш куйдирган ўтлар орасида йирик чигирткалар сакраб қолишди. Зағча ва шум зағизгонлар бутун атрофни ағдар-тўнтар қилишди. Тепароқда, жарлик ёқасида ва ундан нарида, ўрим пайти семиз беданалар сайрапти. Қишлоқ қиёфаси ҳам ўзгарди. Боғлар ва узумзорлар қизил-қўнғир тусга кирди. Куз хиди қишлоқ йўли узра осилиб турибди. Ёнғоқлар ҳамма жойда қоқиб олинган, йўл сариқ япроқ ва қорайган пўстлоқ билан тўшалиб ётибди. Ҳовлиларда бўйралар устида тўғралган олма ва шафтоли

қоқи қуритилмоқда. Болохона устунларига осилган ипларда эса ёнғоқ учун чурчелла осиб қўйилган».

Бу ўзбек қишлоғи эмасми?! Олтин куздаги ўзбек қишлоғининг тасвирлари эмасми? «Боғлар ва узумзорлар қизил-қўнғир тусга кирди». Агар шу «чурчелла» (сават) деган

ГРУЗИН АДАБИЁТИДАН

ИККИ ҲИКОЯ

сўз бўлмаганида, ёзувчининг исм-фамилиясини ўқимаганимда, грузин қишлоғи хаёлимга ҳам келмасди.

Инсонлар бошқа тилларда гаплашадилар. Тиллари туфайли бегонадек. Асли ҳаммамиз бирдек Ер фарзандларимиз. Қайғу қайғудир, севинч севинчдир, оналик бахти ҳам шу, севги севгидир! Туйғуларимиз, кечинмаларимиз инсоний, айнидир.

Билгичлар Нугзар Шатаидзени кичик новеллалар устаси дейишади. «Куз»ни ўқиганимдан кейин бунга мен ҳам ишондим. Ҳажми бир ярим варақ новеллада миллат руҳини сингдириш... Устаси уста экан-да.

Ўқиймиз: «Арава ғичирлаб йўлга тушди. Буйволлар эринибгина қадам ташларди. Уйлардан бирининг олдида, дўнг устида букчайганича бир кампир ўтирарди.

– Салом, бувижон! – овоз беради деҳқон ва яна аравадан тушади. Буйволлар сабр билан эгасини кутмоқда. У бўлса, энг яхши узум

бошларини саралаб кампирга узатади.

– Олинг, бувижон!
 – Худо сенга бахт берсин, болам, – дейди кампир, кейин бирдан деҳқонни таниб қолади ва қўлларини тиззаларига уради.
 – Вой, бу сенсан-ку, Георги! Худо уйингга бахт ато қилсин! Ахир менинг Ясоним сенинг тенгқуринг эди-ку, ўғлим! Тангри унинг ўрнига мени ола қолса, бўлмасмиди?»

Йўл. Арава. Деҳқон Георги. Хотини. Йўлдаги воқеалар. Саргузашт ишқибози бўлсангиз, бу новелла сиз учун қизиқарли эмас. Тўғри йўлда бир нечта воқеалар бўлди. Бирок оддий, бировга айтиб бериб ҳам бўлмайди. Чунки қизиқарли эмас. Аммо... ҳаммаси ана шу оддийлик ортида-да! Инсон қалби, дардлари, фожиаси. Сиз, яхшиси, бу новеллани ўқинг, Нугзар Шатаидзе дунёсига кириг.

Шунда тили, дини бошқа грузинларнинг

йўқотишни истамасди».

Қўшиқ айтишни билмайман. Бирок ўзимча минғирлаб яхши қўшиқларга жўр бўлишни ёқтираман. Бу жўровозлигимга болаларим ошқора кулишса ҳам парво қилмайман. Энди қўшиқ нималигини биладиган, қўшиқ айтишни қойиллатадиган одамни тасаввур қилаверинг. Ёшлиқда, далада ишлаган кезларим ниҳоятда камгап бир келинчакни эслайман. Бир куни тушлиқда «ёрилган». «Қўшиқ айтгим келади, бор овозда. Катта саҳналарга чиқишим мумкин эди, бу овозим билан...» Ва «Чаман ичра, боғ ичра»ни куйлай бошлаган. Ҳамма сел бўлиб эшитаётганида тўсатдан жим қолган. Ҳаммамиз у қараган томонга қараб, кенг дала йўлидан эрининг жадал юриб келаётганини кўрдик. У жуда қайсар ва сержаҳл бир одам эди...

Ўқиймиз: «Унинг қаттиққўл эри тўйдан кейин учинчи кунийёк: «Концертларсиз ҳам кунимиз ўтади, ҳар хил филармонияларни кўришга кўзим йўқ, уйда менга филармония хонандаси эмас, хотин керак. Бу, концертларга бормаймиз, деганим эмас. Энди сенинг концертинг уй, оила, бола-чақа, гап тамом-вассалом!» деди.

Фотима ҳеч нарса қила олмади. У истеъдоди ҳавога совирилиб кетаётганига ачинар, чин дилдан қайғурарди. Лекин ичидагини ташига чиқармасди. Она бўлганидан кейин бу истақлар аста сўна бошлади. Йиллар ўтди. Деворда осиглиқ гитарага

этибор ҳам бермай қўйди. Тўққиз йил тўққиз кундай ўтиб кетди.

Фотима Вацадзелар оиласига тўртта ўғил туғиб берди. Тўртта ҳаёт, тўртта қувонч. Шу ўтган тўққиз йил Фотиманинг ҳаётидаги энг гўзал онлар бўлди».

Аммо... У ҳосил байрамида қўшиқ айтадиган бўлди.

Ўқиймиз: «Шалико учинчи қаторда ўтирарди. Фотимага тишини тишига қўйиб жаҳлини зўрға босиб ўтиргандек туюлди. Кулмайди ҳам, қарсақ ҳам чалмайди.

«Сен менга ҳамма нарсадан азизсан, мен бутун борлигим билан сеникиман-ку. Нега бунча қовоғингни солиб олдинг? Хавотирланма, сени ҳеч қачон шарманда қилмайман. Тушунгин, мен санъат учун туғилганман. Худо берган истеъдодни ерга кўмиш, ахир бу катта гуноҳ-ку. Онда-сонда, йилига бир-икки марта шунақа концертларда чиқиб турсам бўлди. Озгина таскин топаман, жонгинам. Илтимос, қовоғингни солма. Озгина кулгин, ўтинаман».

Албатта, Фотиманинг қалбида кечаётган кечинмаларни ҳеч ким сезгани йўқ. Ҳатто эри ҳам. Бу концерт қандай яқун топганини билишни истасангиз, Реваз Мишвеладзенинг «Армон»ини ўқинг. Баъзан яхши асар чуваланган ўй-хаёлларингизни ечишга ёрдам беради. Тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Китоб ўқинг, қалбингиз ойдинлашади.

Ҳузурли мутолаалар тилаги билан,

Инобат ИБРОҲИМОВА,
 «Vatanparvar»

ИККИ БОТИР ҚИЛИЧЛАШАР...

Ўзбек халқи азалдан донишманд келган. Халқ дostonларидан тортиб, топишмоғу маталлар, аскияю юморлар замирида элнинг асрий орзулари, ғам ва изтироблари, исёну итоатлари бор. Ҳеч бир ҳодиса йўқки, халқнинг тилига тушмаган, унинг юксак нақл ва топишмоқларидан жой олмаган бўлса. Айниқса, уруш ва талатўпларнинг тавсифи фольклор асарларда ўзгача бўёқда намоён бўлади.

Биз ушбу мақола орқали халқ топишмоқларининг бир парчасини таҳлилга тортар эканмиз, ундаги ташбеҳлар, тазоду муболағаларнинг қанчалик топиб айтилгани, уруш ва баҳслар, қурол ва анжомлар воситасида назарда тутилаётган деталлар сизни-да ҳайрон қолдиришига ишонамиз.

Топиб айтилганидек: «*Ўйин, ўйин, ўйиним, кўнгил очар тўйиним*».

Топишмоқлар халқ дардини ифодаловчи энг ёрқин ва қулай жанр ҳисобланади. Унинг қай оҳангда айтилиши-ю, қандай маъно ташийётгани эса алоҳида мавзу.

*Муштраб-муштраб урлар,
Мунча гуноҳ қилибман.
Ўтга солиб ёқарлар,
Мунча осий бўлибман.*

Топишмоқнинг шу еригача ўқиган ўқувчи азоб чекаётган инсон ҳолатини тасаввур қилса, кейинги бандда эса яширинган маъно қиёфаси очилиб боради:

*Мунча мени хорларлар,
Билмам нима қилибман.
Мунча мени севарлар,
Қандай ширин бўлибман.*

Топишмоқнинг жавоби хамир ва нон. Аммо булар асосий масала эмаслигини ҳисобга олсак, кейинги битикларда ҳам мақсад-муддаолар аёнлашади.

*Хилла хилолим бор,
Жанда-қулоҳим бор.
Бошимга урдилар пичоқ,
Менинг не гуноҳим бор?*

Сиз топишмоқнинг жавоби қовун эканини топишингиз мумкин, аммо ундаги ташбеҳларнинг тағ замирида нима яширинганини англаш – алоҳида ҳодиса. Бу каби топилмаларнинг кучи шундаки, воқеалар нафақат мамлакатга, балки унда содир бўлаётган урушларнинг пинҳоналигига ҳам ишора қила олади. Масалан, ҳозир сизга

бир буюм ҳақида айтилган тўрт топишмоқнинг шаклини келтирамиз. Биринчиси: икки подшоҳ қон чиқармай уришади. Иккинчиси: икки ботир қиличлашади. Учинчиси: икки бўри тоғда ўйнади, чанг чиқармай, иккиси ҳам бир бош ейди, қон чиқармай.

Ушбу топишмоқнинг тўртинчи вариантыда ўзгачалик кўзга ташланади:

*Фотима-Зухра уришади,
Меросини бўлишади.*

Асрлар аввал тўқилган ушбу жумлаларни бугунги кунимизда урушдан-да хавфлироқ тус олаётган ахборот хуружларига бемалол боғлаш мумкин. Топишмоқнинг жавоби эса оддий қайчи.

Айниқса, жанг тасвирлари воқеаларни изоҳлаш, яширинган деталнинг пинҳон сирларини очишда жуда қўл келган.

Масалан:
*Мен ажойиб бир аскар кўрдим,
Боши узра қуввати.
Кўп қаватли,
Йўқ қадри қиммати,
Сувли ерни асло босмас,
Чўлни поймол
қилмай кўймас.*

Демак, у шундай аскарки, қуввати бошида, сувли ерни асло эгаллай олмас, унинг ўлжаси чўлда – дов-дарахтлар, хас-хашаклар. Юқорида гугурт таърифланаётгани сезгир ўқувчига маълум.

Ёки:
*Аҳил бўлиб яшар
доим етмиш мард,
Тани ёниб, элга
қилади хизмат.*

Ушбу жумлаларда ҳам гугурт яширинган бўлиб, ёндашуви билан юқоридаги изоҳлардан фарқ қилади.

Халқ муболаға орқали кичик нарсаларга ҳам шиддатли таъриф бера олади. Масалан, Шапалоқ

юртига борган ботирнинг жангда ҳалок бўлиши замирида пашша турганини куйидагича изоҳлаш мумкин:

*Ўзи йўқдай, ботирим,
Овози ўқдай, ботирим,
Шапалоқ юртга бориб,
Ўлиб қолган, ботирим.*

Ёки игнанинг ангишвона билан ўзаро алоқаси ҳам куйидагича изоҳланади:

*Яланғоч қочади,
Ёрғоқли қувади.*

Дарвоқе, халқ топишмоқларида посбон ва баҳодирлар уларга хос ва мос бўлган деталлар билан омихта кўринишга келтириладики, беихтиёр топилмаларнинг чинлигига амин бўласиз. Масалан, қулф ҳақида:

*Посбонидир у уйнинг,
Кўзи, тили йўқ унинг.*

Қамиш ҳақида айтилган топишмоқ ҳам ўз ўрнида қўлланилганига шубҳа қилмаймиз:

*Сон-саноқсиз қиличли,
Узун бўйли баҳодир.
Ётар узала тушиб,
Шовиллаб беҳавотир.*

Дарвоқе, қилич мотиви ҳам кўпгина топишмоқларнинг қулфини очиб берувчи асосий калит вазифасини ўтайди. Масалан, тонг ёришиши тасвири:

*Бундан отган қиличим,
Зангар бориб очилди.
Сувни ифодалаш учун:
Қилич урдим – ўрни йўқ.*

Устарани ифодалаш учун:
*Юмалоқ тепада қилич ўйнади.
Шамни ифодалаш учун:
Қилич учи қалтироқ.*

Қиличнинг ўзини ифодалаш учун:
*Қора биям қалт этди,
Қобирғаси, ялт этди.*

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бирга, милтиқ ва ўқ мотивлари ҳам топишмоқ моҳиятини очишда фаол қатнашади:

*Тумшуғи узун – тоғни тешар.
Ялт-ялт этар – ямлаб кетар. Зинг этди, зинграб кетди, Оқ қуврайнинг бошини чалиб ўтди, кўрдингми?
Болта урдим, Бадахшон кетди. Оқ кучугим анг этди, товуши Қўқонга этди. Оғизгинаси ўймоқдай бақиргани тойлоқдай каби топишмоқлар шулар жумласидандир.*

Аслида бу каби топишмоқларнинг ўқувчига берадиган энг катта маънавий озукаси ижодий ёндашуви ҳис этиш ва ўрганишдир. Топқирлик ва ҳодисаларнинг мағзини чақа олиш кўникмаси ҳар қандай асарни чуқур англаш завқини оширишга хизмат қилади. Масалан:

*Тирик келиб, ўликдан ош сўради,
Ўлик туриб, тирикни бўғиб олди.*

Ушбу топишмоқда айтилаётган тирикнинг ўликдан ош сўраши манзарасини катта фалсафий тушунча сифатида кўриш мумкин. Бунинг акси бўлиши эса бизни топишмоқнинг моҳиятига олиб киради. Жавоб сичқон ва қопқон. Аммо шундай таърифлар ҳам борки, ўқувчи жавобини билмагунича тополмаслиги ҳам мумкин. Масалан:

*Отамдан бир мерос олдим,
Ерга кўмсам чиримас.*

Ҳар қанча ўйламанг, мисраларда нима назарда тутилаётганини бирдан илғай олмайсиз. Жавоб исм эканлигини билганингиздан сўнг эса ўзаро мутаносибликни англайсиз. Ёки куйидаги топишмоқларнинг жавоби битта бўлишига қарамай, сизга улар даставвал ярқ этган хулосаларни бера олмайди.

Биринчиси: ҳақкам чўлоқ ер тешар. Иккинчиси: чўлоқ отасига гўр қазир. Учинчиси эса: ўтмас пичоқ ер қовлар.

Бу топишмоқларнинг ягона жавоби – томчи.

Сўзни муҳтасар қилсак, жангу жадаллар халқ ижодиёти ва фольклорида узок йиллардан буён тилдан тилга ўтиб келаётган алоҳида мавзудир. Жангнома дostonлардан тортиб, қаҳрамонлик дostonларигача алплар жанг билан синалади, обрў топади, чинакам ботирга айланади. Эпосларга айланган дostonлар, топишмоқ ва маталлар эса ўзининг содда ва равон тили, қофияланиши, тез ёдда қолиши билан асрлар оша яшаб қолаверади.

**Катта лейтенант
Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»**

ЭТИРОМ



БЕТАКРОР ВА БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Февраль бир бошқача ой-да! Кўнглингда, ҳадемай баҳор келади, деган гўзал ва ёруғ ўйлар, умид уйғотади. Яна бир бебахо томони бу ойда икки буюгимиз – ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. Ана шу қутлуғ саналар муносабати билан жойларда қатор маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Қуролли Кучлар давлат музейида ҳам «Бетакрор ва барҳаёт сиймолар» деб номланган адабий-маърифий кеча Мудофаа вазирлиги марказий алоқа узели билан ҳамкорликда ўтказилди.

Кечани пойтахтдаги Глиэр номидаги ихтисослашган мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Улуғбек Мирзо Раупхонов

«Назм ва наво» куйи билан бошлаб берди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-

таси депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзаалиев иштирок этди.

– Мен узок йиллар ҳазрат Алишер Навоий ролини ижро этишни орзу қилдим. Таниқли артист Ёдгор Саъдиев бунга эшитиб: «Қанақа Алишер Навоий, сиздан Алишер Иванович чиқади», деган эди. Аслида у ҳақ эди. Мен рус тилида ўқидим, қиёфам ҳам шарқона эмас. Аммо менга улуг мутафаккир асарларини катта саҳнада ўқиш насиб этди. Учрашувларнинг бирида ҳарбий лицейда ўқувчилар ҳузурида «Лайли ва Мажнун»дан парчалар ўқидим. Ўқувчилар узок олқишладилар. Менинг кўп йиллик фаолиятимда ҳали ҳеч қачон бу қадар қизгин олқишламаган эдилар. Ёшликнинг бу жўшқин эҳтироми асли ҳазрат Алишер Навоийга аталган эди, – деди Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов.

Бу каби тадбирлар бир-бирини такрорлагандек кўринади. Аммо ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз кетганида такрорга ҳожат йўқ! Иккиси ҳам улугвор уммондек. Олим борки, улар ҳақида ҳар кун бир янги гап айтади. Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директор ўринбосари доцент Отабек Жўрабоев ҳар икки сиймо ҳақида қутилмаган маълумотлар билан йиғилганларни ҳайратга солди.

Кеча мумтоз куй-қўшиқларсиз мукамал бўлмасди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандаси Дадахон Ғаниев ижросидаги мумтоз қўшиқлар тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Инобат ИБРОҲИМОВА



ТЕМУРИЙЛАРДАН БИРИ

Таниқли темуршунос олим ва ёзувчи Ҳақим Сатторий «Хотира карвони», «Амир Темур севган юрт», «Истиффор», «Ҳазрат Соhibқирон», «Олтин силсила» ва бошқа кўплаб асарлари билан китобхонларга яхши таниш. Ҳақим Сатторий ижодининг завқ-шавқи, фалсафасию илҳоми Буюк Амир Темур шахси билан боғлиқ.

Назаримда, адибнинг уйи ҳам соhibқироннинг ўрдугоҳи (ҳарбий штаб)га ўхшайди: стол устида катта оқ қоғозга соhibқироннинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши юриши харитаси чизилган. Нариги столда яна хариталар, ҳужжатлар, китоблар, шажаралар. Ҳаммаси қўлда ёзилган, улар янги маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилади.

Фикримга асос шуки, ўтган йили келганимда ҳам шу хариталарга кўзим тушганди. Бу орада Ҳақим ака «Ҳазрат соhibқирон» ва «Олтин силсила» китобларини чоп эттирди. Уларни ўқиб, ҳайратларимиз эскирмай туриб, янги «Имзоли хатлар» китоби қўлга тегди. Бинобарин, бу одамни қисқагина қилиб, темурийзода десак, энг мос таърифни берган бўламиз.

Ҳақим Сатторий билан суҳбатда соhibқирон мавзуси очилса, уни «ёпиш» қийин. Ундан ҳам мушқули – барча фикрларини қоғозга тушириш, ўқувчига тўлиқ етказиш масъулияти. Суҳбат давомида буюк бобокалонга эҳтиром борган сари кучаяверади. Ҳақим аканинг севимли ибораларидан бири: «Бобокалоннинг давлатлари кенг...»

Биз гўё салтанатнинг ўрдугоҳидамыз. Қаршимда «муншийбоши» – Ҳақим Сатторий. Олдимизда турли-туман харита ва шажаралар ёйиб ташланган. Ҳализамон қўшни хонадан ҳазрат соhibқироннинг ўзлари чиқиб келадигандек...

– Сиз 1991 йилда ташкил этган «Амир Темур ўтган йўллар» илмий экспедицияси катта муваффақият қозонган эди. Аммо кейинги пайтларда экспедиция ҳақида эшитилмай қолди...

– Ўша пайтларда бундай сафарни уюштириш ўзига хос янгилик бўлган эди. Тарих ва кадрятларимизга оид кўплаб маълумотлар тўпланиб, илк бор эълон қилиниши жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Илмий экспедицияга кўп вилоятлардан, турли соҳа вакиллари катта иштиёқ билан қатнашганди. Бу каби илмий-ижодий сафарларнинг фойдаси, аҳамияти улкан. Экспедиция ҳозир ҳам давом этапти. Тўғри, илмий экспедиция баъзан ҳашар тусини олгандек пайтлар ҳам бўлди. Аммо айрим фидойи ва жонкуяр инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан бугун ҳам фаолият кўрсатаётганлиги таҳсинга лойиқ. Айниқса, ёшлар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, экспедиция дастури янгича мазмун билан бойиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Масалан, бир неча йил бурун экспедиция томонидан «Мустақиллик: мен ва имкониятларим» шиори остида ўтказилган марафон юртимиз

ёшлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Республика илмий жамоатчилиги ва ёшлар тарбиясида Амир Темур халқаро экспедициясининг ўзига хос ўрни бор.

– Экспедиция таассуротлари ҳақидаги туркум мақола ва бадиаларингиз газетхонлар томонидан қизгин кутиб олинди. Турли соҳа вакиллари газетада жуда кўп муносабат билдиришди. Ҳозир ўша ҳамфикр инсонлар билан ижодий алоқалар борми?

– Экспедициянинг ўн йиллиги муносабати билан «Қишлоқ ҳаёти»да «Муборак манзиллар чорлайди» номи мақола эълон қилинган эди. Унда 1991 йилги илк сафарнинг харитаси, унда қатнашган одамларнинг исм-шарифларига келтирилган эди. Ажабки, бунга жавобан ҳеч қандай муносабат билдирилмади. Лоқайдликми ёки... Илмий экспедиция фаолиятида одамларни зериктирувчи бир хилликка йўл қўйилмаслиги керак. Бунинг учун имкониятлар жуда кўп.

– Амир Темур илмий экспедицияси ўтган йиллар давомида юртимиз бўйлаб жуда кўплаб сафарлар уюштирди. Бундай сафарларни республикамиздан ташқарида давом эттириш вақти келмадими? Умуман, экспедициянинг навбатдаги вазифалари нималарда деб ҳисоблайсиз?

– Юртимиз бўйлаб юз марта сафар уюштирганда ҳам, ҳар гал янги-янги

маълумотлар топилиши шубҳасиз. Мана, яқинда бўлган воқеа: имконият туғилиб, бир гуруҳ дўстлар билан тоғлар сари кетдик. Муддаомиз – бирор латиф гўшада бир зум тўхташ, майсалар устига гиламча ёзиб, ўзимизни табиатга, азим тоғлар измига топшириш эди. Бундай жой ҳам топила қолди. Қари тол тагидан сув жилдираб турар, дарахт шоҳида булбул чақ-чақ уради.

– Бу нима? – деди умри чўлда ўтган ва биринчи марта бундай гўшаларга қадам қўйган ҳамроҳимиз.

– Бу – булок, – дедик ҳаммамиз бараварига.

– Мен булоқни кўрмаганман.

Ҳаммамиз баравар ҳайратландик. Бундан ўн етти йил олдин экспедиция уюштириб келганимизда ҳам хоразмилик иштирокчи тоғларга анграйиб боққан, у ҳам «мен тоғларни кўрмаганман», деганида шундай ҳайратланганмиз.

Ҳа, Ўзбекистон – улкан мамлакат. Унинг чўлларига қум заррасидек ёки тоғларида ушоқ тошдек яшаб, бир умр шундай ўтиб кетиш мумкин.

1991 йилги экспедиция чоғида кўнгилини чароғон қилгувчи кўплаб ҳолатларга гувоҳ бўлган эдик. Масалан, Туркистон томонларга уюштирилган сафар чоғида Темурлановка деган манзилда бўлдик. Бу жой Бугун авдони (райони)нинг маркази экан. Номини Урдабоши деб ўзгартириш юзасидан ҳаракатлар бўлаётган район бизнинг Ангрен шахримиз билан биродарлашган экан. Бизни узоқ вақт кўришмаган оға-инилардек кутиб олдилар. Мезбонлар Мустақиллик байрами куни совғага от олиб, Ангренда бўлганликларини қувонч билан айтиб берган эдилар. Қозоқ бовурларимиз билан самимий, унутилмас учрашувлар, мулоқотлар бўлганди.

Булар – 1991 йилги сафарнинг хотиралари. Ҳозир бу алоқалар қай ҳолатда? Айтмоқчиманки, бир дарахтнинг бутқлари бўлган қардош халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг кучайишида бу каби илмий-ижодий экспедицияларнинг аҳамияти беқиёс.

Хорижий давлатлар бўйлаб сафарга келсак, бунинг ҳам албатта, бир куни вақти-соати етиб келади. Бобокалоннинг давлатлари кенг бўлган. Ниятлар, вазифалар ва қамров ҳам шунга қараб, кенг олинади. Бу борада Бобур халқаро экспедициясининг фаолияти, амалга оширган ишлари айниқса таҳсинга лойиқ.

– Соhibқирон бобомизнинг ҳаёти мисоли бир уммон. Сиз ўтган давр ичида бобомизнинг яна қандай қирраларини очдингиз?

– Менинг дастлабки тасаввуримда-ёқ соhibқирон бобомиз барча инсоний жиҳатлар бўйича комил инсон сифатида гавдаланган. Ўтган давр мобайнида мана шу комилликни янада теранроқ англадим ва ҳис этдим. Умуман, улғ аждодимиз шахсига мурожаат этган ҳар бир инсон билими ва касби коридан қатъи назар, ўз мақсади, қизиқишлари ва келажаги учун катта дастур олади. Масалан, ҳарбийлар – мукамал ҳарб илми, қурувчилар – меъморий даҳо, дипломатлар – юксак муомала санъати, спортчилар – ғалаба бўлган интилиш ва метин ирода... каби сифатлари бекаму кўст ўргандилар. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

– Умуман, Амир Темур ҳазратлари ҳақида қачондан ёза бошлагансиз? Нима сабаб бўлган?

– Мен туғилиб ўсган Тошқўрғон қишлоғининг устида, Бовурчи чўққисида Амир Темур ғори жойлашган. Ҳар тонг қуёш ўша чўққи оша қишлоғимизга юз очарди. Шунинг учун соhibқирон бобомизнинг муборак номлари, таъбир жоиз бўлса, гўдакликданок қуёш нури билан бирга онгу шууримизга синган. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимизда юқори синф ўқувчилари ғорга чиқишарди. Биз ҳам тезроқ улғайиб, тасаввуримиздаги ўша афсонавий маконга боришни орзу қилардик. Соhibқирон бобомиз меросига нисбатан мана шундай баланд иштиёқ билан улғайганмиз.

– Соhibқироннинг қайси фаолияти матбуотда кам ёритилган, деб ўйлайсиз?

– Истиқлол шарофати билан бобокалон сиймосини ўрганиш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Энг қувонарлиси шундаки, ижод дунёсига кирган ҳар бир қаламқаш соhibқирон мавзусида нимадир битиш нияти бор. Ҳар ким соhibқирон уммонидан ўзига керакли дур топа олади. Аммо бу ишлар уммондан бир томчи холос. Биз ҳазратнинг қиёфасини хануз тўлиқ, рўйи рост кўрсата олганимиз йўқ.

Зиёлилар олдида жуда залворли ва шарафли вазифа бор. Яъни соhibқирон Амир Темур миллатимизга нима берди, деган саволга бутун савлати, бўй-басти билан жавоб бермоқ! Дунёда қанчадан-қанча миллатлар бор, аммо ҳар бир миллатдан соhibқирон чиқавермайди! Бобомиз миллатимизнинг кимлигини, унинг имкониятларини, улўғлигини бутун дунёга танитганлар. Бунинг аҳамиятини теран аниглаш учун халқимиз бошидан кечган асрий истибод даврларини эслаш керак. Аслида тарихда юртимизга интилмаган босқинчи бўлмаган. Араб, мўғул, форс, чоризм босқинлари турли-туман ниқобларда амалга ошган бўлса-да, асл мақсадлари жаннатмонанд юртга эгалик қилиш эди. Мана шу минг йиллик бўҳрон Амир Темур даврига келиб тўхтади. Босқинчилар отларининг туёқлари остида гард бўлган Турон замин соhibқирон даврида эркин нафас олди. Яратганнинг инояти билан бу даврда юртимиз тамаддуни жаҳон миқёсига кўтарилди.

– Демак, темуршунослик илми, шу жумладан, «Амир Темур халқаро илмий экспедицияси» олдидаги вазифалар жуда катта, фаолият ўққлари соhibқирон салтанати каби кенг...

– Албатта. Улўғ бобокалон шахсининг тарихда тутган ижобий ўрнини юртимизгагина эмас, бутун дунёга фахр билан, рўйи рост кўрсата олишимиз керак. Биз ўз шонли тарихимизни қанчалик яхши билсак, ватанпарварлик тўғғимиз шунчалик юксак бўлади. Ўзимизни камситиш эвазига ўзгалар «ҳурмати»ни қозониш – ватанпарварлик эмас. Бир танишим шундай воқеани гапириб берганди: катта бир идорада соҳа фаолияти тўғғисида китоб чоп эттиришга қарор қилинибди. Тарихда бу соҳанинг юксалиши Амир Темур даврида юз берганлиги учун ушбу даврни кенгроқ ёритиш мўлжалланади. Бундан хабар топган «сиёсий хушёр» раҳбар эса гапни чўрт кесади: «Амир Темур ҳақидаги гапларни «минимум»га камайтирилган! Бу китоб чет элликларга ҳам берилмади. Улар, «Амир Темур бизнинг юртни босиб олган», деб хафа бўлишади».

Буни қандай тушунмоқ керак? Ўзбеконани андишами? Менимча, кўпроқ билимсизликдан бўлса керак. Лекин баъзан мана шундай ўринсиз гаплар устувор мавқега эга бўлиши ташвишли ҳолдир. Ваҳоланки, бугун жаҳон тарихчилигида соhibқирон шахсига нисбатан аксарият ижобий муносабат ҳукмрон. Масалан, узоқ йиллар мобайнида эътироф этилмай келган ҳақиқат, ниҳоят, 2004 йили ёш рус тарихчиси Михаил Арнолдov томонидан «Наука и жизнь» журналовида босилган мақолада қуйидагича мардона эътироф этилди: «Куликово майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб, тарих саҳнасида ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз овоз қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот – кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган «буюк ва шафқатсиз» Амир Темур бизни озод қилган. Тўғғироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган».

– Самимий ва қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.



«ПАРДА ТУТИЛАДИГАН»

МАВЗУЛАРНИНГ ОШКОРА МУҲОКАМАСИ

2005 йили асос солинган, айна дамда кўрувчилар сони кўплиги жиҳатидан дунёдаги энг кучли веб-сайтлар учлигида турадиган YouTube платформаси ҳеч биримизга бегона эмас.

Видеоматериаллар ҳостингини тақдим этувчи веб-сайтнинг шериклик дастури Ўзбекистон ҳудудида ишламаса-да, платформа ўзбек тилидаги материаллардан холи эмас. Бироқ маҳаллий контентлар дарёсига тўр ташласангиз, «балиқлар» билан бирга анчагина «чиқинди» ҳам илинади.

Тўғри, YouTube фойдаланилиши мумкин бўлган ҳудудларда ҳаваскор видеоларга ҳеч қандай тақиқ қўймаган. Бироқ бугунги кунда бу имкониятни ўз манфаатига мослаштирган кўплаб «ижодкорлар» аҳмоқона ва мантиқсиз видеолар муаллифига айланишмоқда. Қўйида ушбу платформадаги сифатсиз контентлар ва уларни тарқатиш хавфларини турли мисоллар ёрдамида таҳлил қиламиз.

ОҒИР ЖУДОЛИК! ФАЛОНЧИ ВАФОТ ЭТДИ...

Машҳурларнинг вафот этиши билан боғлиқ шов-шувли хабарларга омма бефарқ эмас. Буни билган айрим YouTube каналлари аслида ҳаёт бўлган ижодкорларни ҳам «ўлдиради».

Масалан, бундан бир йил аввал таниқли санъаткорлар Адиз Ражабов ҳамда Шукрулло Исроилов вафот этгани ҳақида хабар тарқалган эди. Биринчи манбани қидирувдан топиб бўлмади. Бироқ мана шу канал маълумотлари асосидаги видео ва раддиялар ҳозир ҳам платформада мавжуд.

ШОК ХАБАР! СИЗ БУ ҚОНУНИ КУТМАГАН ЭДИНГИЗ...

Баъзи каналларда «просмотр»ни кўпайтириш учун қонун ҳужжатлари ёки уларга киритилган айрим ўзгаришларга ортиқча ёки нотўғри тўс берилади. «Пенсия нархи шок ҳолатда ошди», «Ун энди бепул бўлади», «Аҳолига пул тарқатилади» ва ҳоказо. Видеоларга ишонган баъзи содда одамлар «лайк» босади, изоҳ ёзади ва видеони тарқатади. Натижада канал материали «топ»га кўтарилади.

ШАРМАНДА! ВИДЕО ТАРҚАЛИБ КЕТДИ...

Ўзбекча каналлар орасида омма этиборини тортиш учун шармсизликни тарғиб қиладиган, ҳаёсиз сарлавҳалар қўйилган видеолар бериб борадиганлари ҳам бисёр. Улар кимнингдир видео ва расмларини ваҳима билан тарқатишади. Аксарият «шармандали» видеолар аслида ваҳима қилинган мазмунда бўлмайди ҳам. Шунчаки миллионлаб аудитория канал муаллифлари ўйлаб топган «маркетинг» ўлжасига айланади. Қизиғи, одамлар сўкиб ёзган изоҳлари орқали ҳам видеони «қўллаб-қувватлайди». Одоб юзасидан фикримизга далил бўлгулик расмлар ва «скриншот»ларни келтирмаймиз.

СЕВИШГАНЛАР СУҲБАТИГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Айнан «парда тутиладиган» мавзуларнинг яна бири ишқий ёзишмалардир. Тиниб-тинчимас «ижодкорлар»

ишқий муносабатдаги ёшларнинг ҳирсга бой ёзишмаларини ҳам жанрга айлантиришди (ҳатто аудио вариантларига ҳам дуч келиш мумкин). Аслида фантазия асосида «ижод» қилинса ҳам одамлар бу контент ўғринча интернетда тарқалганига ишонишади. Афсуски, аҳмоқликнинг чегараси йўқ.

МАНА БУНИ ЯНГИЛИК ДЕСА БЎЛАДИ...

Янгилик дея жойланаётган видеоларнинг айримларида янгиликдан бошқа ҳамма нарса бор. Уларнинг формуласи оддий:

- «топ»даги бирор санъаткор танланади;
- видео фонига унинг энг сифатсиз форматдаги 4-5 та расми териб чиқилади;
- кадр ортида санъаткор биографиясига оид узук-юлук маълумотлар уйқусираган овоз билан ўқиб берилади;
- жимжимадор сарлавҳа ва интригали постер билан безалган видео каналга жойланади.

Қарабсизки, мана шу видеоларда бир неча юз минг мартаба кўрилади. Айрим видеоларда эса кичик ҳажмдаги янгилик матни сунъий паузалар, қайтариқлар ва салом-хайр билан узайтирилади. Буни YouTube ҳаваскорлари орасидаги «лайфхак» деса ҳам бўлади.

Ўзбек тилидаги шунга ўхшаш аҳмоқона контентларга сизнинг ҳам кўзингиз тушган бўлса керак. Яхшиямки, YouTube веб-сайтида кадрлар билан боғлиқ чекловлар мавжуд, йўқса, «шармандага шаҳар кенг» қабилидаги контентлар орасида ёқамизни ушлаб тураверардик.

Ана энди YouTube оламида оммалашиб кетган ва табиий ҳолдек қараладиган машҳур тенденцияларга тўхталсак.

САРЛАВҲАСИ ВИДЕОДАН «ҚИЗИҚ»

Энг кўп тарқалган тенденция бу видеога қўйилган сарлавҳаларнинг жимжимадорлигидир. Умуман, ОАВда сарлавҳа мавзуси азалдан муҳокама қилинади ва шубҳасиз, унда этиборни торта олиш хусусияти бўлиши керак. Бироқ YouTube ҳар қандай меъёр, маданият ва ахлоқ чегараларини кесиб ўтди.

Бугунги сарлавҳаларни шартли равишда қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ёлғон сарлавҳа (масалан, «Фалончи вафот этди»);

мотивга айланмоқда. Машҳур шахслар ўртасида келишмовчилик кузатилса, бир қанча канал муаллифлари шарҳловчи ва судья ролини ўйнайдилар: «Эшматнинг Тошматга жавоби. 1-қисм», «Тошматнинг Эшматга жавоби. 2-қисм»... Буёғи минисериал.

АФАНДИНИНГ ГАПИ ТЎҒРИ, БУ YouTubeДА ҲАММА ЎҒРИ

Платформадаги энг оммавий тенденцияларнинг яна бири ўғрилиқдир. Жуда кўп каналнинг тирикчилиги шундан. Энг кўп тарқалган ўлжалар: телевидение орқали эфирга кетган фильм, сериал ва кўрсатувлар, машҳурларнинг саҳифаларидаги видеолар ҳамда таниқли YouTube каналларидаги материаллар. Яхшиямки, веб-сайт муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос тизимга эга. Шунда ҳам қаловини топаётганлар талайгина.

УНУТИЛГАН «БИЖИР-БИЖИР»

Бугун аҳоли орасида ўзгаларнинг шахсий ҳаётига доир видеолар ҳам ёки суратларни рухсатсиз тарқатиш жуда оммалашиб бормоқда. YouTube бу борада анча фаол. Ибрат ва ҳулоса учун қайсидир видеони жойлаган тақдирда ҳам, шахслар ҳақидаги маълумотлар сир тутилиши ва уларнинг юзи акс этган кадрларга, халқ тилида айтганда, «бижир-бижир» қўйилиши лозим. Бизда канал муаллифлари аксинча шахслар юзини янада яқинлаштириб, қотириб, керак бўлса, қизил ҳошияга олиб, ёнбошидан «стрелка» ҳам қўйиб қўйишади.

Унутмаслик керакки, ҳар қандай фаолият инсоний ва қонуний меъёрларни четлаб ўтмаса, барака бўлади.

Биз энг кенг тарқалган тенденцияларни санаб ўтдик. Ана энди айрим эслатмаларга эътибор қаратинг.

Биринчи эслатма: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 202-2-моддасига кўра, шахнинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, ОАВда, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет тармоғида тарқатиш – БҲМнинг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Иккинчи эслатма: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-1-моддасига кўра, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек, асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такоррлаш, тарқатиш, барчанинг этиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш фуқароларга БҲМнинг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қолаверса, жавобгарликка тортилган шахсларнинг материал тайёрлашда фойдаланилган ускуналари мусодара қилинади.

Учинчи эслатма: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-1-моддасига биноан, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш БҲМнинг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу эслатмалар ўзгалар ҳақида ёлғон маълумот тарқатувчи, бошқаларнинг муаллифлик ишларидан рухсатсиз фойдаланувчи, кимларнингдир шахсий ҳаётини оммага кўз-кўз қилувчи YouTube ижодкорларига тааллуқли. Айтганча, маъмурий жавобгарликдан сўнг бу ҳатти-ҳаракатларни қайта содир этиш жиний жавобгарликка асос бўлиши мумкин. Кўза кунда эмас, кунда синишини унутманг.

Сирожиiddин РУСТАМОВ
 Oyina.uz



NOODATTV

O'tirvolib, yoshlar haqida fikr bildirish kattalarning eng maroqli ishi bo'lsa kerak. "Ehhe, bizning davrimizda..." deb boshlanadigan ma'ruzalar ko'pincha "Hozirgi yoshlar juda buzilib ketgani" haqidagi afsus-nadomatlar bilan tugaydi. Aslida "yoshlarning buzilmasligi" jamiyatda kattalar o'rnatgan tartib-qoidalarga qanchalik amal qilinayotgani bilan belgilanadi. Mabodo, navqiron avlod qizil chiziqlardan xatlab o'tishga urinsa, ahvoli chatoq. Bu borada hech kimni ayamaymiz. Hatto buyuk faylasuf Suqrot ham "yoshlarni yo'ldan adashtirganlik" uchun o'limga hukm qilingan.

HARAKATLAR QANDAY QILIB IJTIMOIV ODATGA AYLANADI?



Avlodlar o'rtasidagi ziddiyat hamisha dolzarb bo'lib kelgan. Hamma davrning kattalarga quloq soladigan mo'min-qobil yoshlari bilan birga qoliqlarni sindiradigan "buzg'unchi" yoshlari ham topiladi. Ruxsat etilgan doirada yashaydigan, yaxshi bola yorlig'ini bo'yniga osib yuradiganlar bugun ham talaygina. Ular bog'chada bog'cha opasining, maktabda sinf rahbarining, universitetda domlalarining, ishxonada rahbarining, uyda... xullas, chizgan chizig'idan chiqmaydi.

"Hamma maqto'v senga bo'lsin, bor sitam zorlik menga", deganlaridek, haligi qoliqlarga sig'maydiganlar doim e'tibor markazidan chetda yuradilar. Lekin shu ham ularga mustaqillik beradi. An'anaviy tartib-qoidalarni buzib yashash erkinligini qo'lga kiritadilar. Jamiyat hayotini ana shu toifa yangilaydi, ijtimoiy normalarni o'zgartiradi. Mo'min-qobillar emas.

OSROQ NAZARIYA

Inson – ijtimoiy mavjudot, shunisi bilan yer yuzidagi boshqa jonzotlardan farqlanib turadi. Xulq-atvor insonlararo aloqa hosilasidir. Yangi tug'ilgan chaqaloq til, madaniyat, e'tiqod, bilim, malaka va ko'nikmalarni atrofda yashovchilarning ko'magida egallaydi. Bularning hech biri tug'ma bo'lmaydi. Ya'ni bir domlamiz aytganidek, "Odam odamlar orasida tug'ilgani va yashagani uchun ham odamdir. Yo'qsa, boshqa hayvonlardan hech bir farqi bo'lmadi".

Tabiatda tartibni ta'minlashda tabiiy qonuniyatlar qanchalik muhim bo'lsa, jamiyatda muvozanatni saqlashda ijtimoiy normalar ham shunchalik muhim bo'lib, insoniy munosabatlarga, hatto huquqiy hujjatlardan ham ko'proq ta'sir qiladi. Vaholanki, bunda qonunni buzishdagi kabi qat'iy belgilangan jazo yo'q.

Ijtimoiy normalar jamiyat a'zolarining mutlaq ko'pchiligi tomonidan qabul qilingan qoidalar bo'lib, turli vaziyatlarda tegishli xatti-harakatlarni belgilab beradigan umumiy yo'l-yo'riqlardan iborat bo'ladi: nimalar qilishimiz kerakligi yoki nimalar mumkin emasligini uqtiradi.

Ijtimoiy normalar bir qarashda maishiy sathda ko'rinsa-da, shaxsning shakllanishida, turli ijtimoiy institutlarda o'ziga munosib maqom egallashida muhim o'rin tutadi. Ijtimoiy normalarni inobatga olmasak, na shaxsga, na u mansub madaniyatga, na jamiyatga xolis baho berolamiz. Ayrim ijtimoiy normalar uzoq sinovlardan keyin hamma rioya etishi va hurmat qilishi lozim bo'lgan qadriyatga aylanishi mumkin. Shu bilan birga, ijtimoiy normalarni qat'iy lashtirish va ideallashtirish jamiyatning kristallashuvi va muqobil dunyoqarashning ta'qibga uchrashiga yo'l ochadi. Rivojlanish va o'zgarishlarga to'siq bo'ladi. Ba'zi toifalarning jamiyatdan begonalashuvi, siqib chiqarilishi kuzatiladi.

Ijtimoiy normalar jamiyatning umumiy intellekt darajasidan kelib chiqib, voqea-hodisalarga sezgirligi hamda munosabatini o'zida ifodalaydi va muhofazakor (konservator)lar qanchalik istamasin, izchil o'zgarib boradi.

BIR-IKKITA MISOL...

Qishloqlarda 90-yillar oxirigacha boshiga ro'mol o'ramay maktabga borgan muallimaga hamma shubhali qarash qilgani, axloqsizdek munosabatda bo'lganini aytasang, bugungi ko'pchilik yoshlar ishonmaydi. Qiz bola va o'g'il bola ko'chada yolg'iz gaplashib tursa, malomatga qolardi. Bugun unaqa emas, hamma to'g'ri tushunadi.

Quyosh botgach, qo'shni mahallaga yolg'iz borish xavfli edi, yoningda o'sha yerlik sherik bo'lishi kerak edi. Yo'qsa, guzarlarda har kech yig'ilib, tunni tongga ulaydigan "shep"lar turtkilab, mazangni qochirishi aniq edi. Melisabozlik uyat edi. Bugun unaqa emas, melisaga bervoryapti.

Yana bir misol. Sinfidagi 18 ta o'g'il boladan 2 nafari sigaret chekmasdi. Turli bayram, o'tirishlarda kaminadan tashqari hamma alkogol ichardi. Hatto giyohvand modda iste'mol qiladigan tengqurlar ham bor edi. Maktabni tugatgandan keyin tamaki chekmaydigan faqat men qoldim. Boshqalarni kimdir majburlaganmi, yo'q. Oilasi ruxsat berganmi, yo'q. Aksincha, kaltak yegan ota-onasidan, akalaridan. Ammo chekardi va ichardi.

Deviant xulq-atvor haqida gapirilganda asosan bolaning oilasidagi muhit va do'stlar davrasi aybdor qilinadi: uyda yaxshi tarbiya ko'rmagan, ota-onasi qaramagan, o'qituvchilari oyligini halolab olishi kerak, mahallaning roli yo'q...

Aslida ularning hech biri bolalarni chekish va ichishga da'vat qilmaydi. Ammo ichish, chekish katta odamlarga mumkin, degan qoida hammaning miyasiga o'rnashib qolgan. Ota-onalar sigaret chekkan yoki aroq ichgan farzandini "Hali sen katta bo'lib qoldingmi?!", "Erkak bo'lib qoldingmi?!" deb urishadi. Bu bolalarga ichish va chekish uchun eng kuchli motivatsiya; bu katta bo'lganligi, mustaqil bo'lganligi va erkak bo'lganligining e'tirofi. Ichib, chekib, shuning orqasidan kaltak yegan bolalar ertasi kuni maktabda faxrlanib aytib beradi.

Bugun tamakiga qarshi targ'ibot qancha kuchli bo'lmasin, kashandalar haliyam kamaygani yo'q. Chunki bizda chekishga nisbatan ijtimoiy norma o'zgaradi. Alkogol iste'mol qiladiganlar kamaydi. Nega? Chunki, birinchidan, siyosatning dinga munosabati ancha mo'tadillashdi. Ikkinchidan, yoshlar mahallasidagi mulladan qoniqarli munosabat eshitmagan ko'p savollariga internet orqali zamonaning yetuk ulamolalaridan jo'yali javob olmoqda. Endi aroqning o'zi harom emas, qiligi harom, degan gaplar o'tmay qoldi. Uchinchidan, pandemiya odamlarda oxiratni o'ylash hissini kuchaytirdi. Kishi qarigani sari oxirat g'amini yeb, ibodatga berila boshlaydi. Koronavirus navqironlar qalbida ham shunaqa tuyg'ularni alangalatdi. Pandemiyaning keyingi yoshlar undan oldingi yoshlardan ko'ra savob amallarga moyilroqdek, nazarimda.

KUZATISHLAR, FIKRLAR...

Ijtimoiy normalarni yaxshi bilsangiz, ko'pchilik uchun g'alati tuyulgan tushunarsiz harakatlar mantig'ini tez anglaysiz. Unchalik uzoqqa bormaymiz. Surxondaryolik kuyovning o'zini tutishi va hamma qanchalik "hayratlanmasin" to'ydin keyin ikki yosh birga yashashda davom etayotganining sababi ham ijtimoiy normalar bilan izohlanadi.

"G'ururli" kuyov mojarosi butun dunyoga ovoza bo'ldi. Chet elliklar uning xatti-harakatini yovvoyilik deb atadi. Ammo unaqa emas, o'sha yigit siz-u biz bilgan oddiy o'zbek qorako'zlaridan biri. Aftidan,

ikki yosh sevishib turmush qurgan, kelinbola esa sal erkalik qilgisi kelgan. Lekin vaqti va joyini noto'g'ri tanlabdi, dedi bir amaki.

Mentalitetimizda kuyov kelindan har qanday holatda yengilishi uyat sanaladi. Mabodo shunday bo'lsa, yigit hamma uchun hazil-mazax obyektiga aylanadi. Har esga tushganda yuziga solinadi. Odatda to'ydin oldin musobaqalarga uquvsiz kuyov chaqqon kelin bilan kelishib oladi. Oyoq bosish marosimida ham...

Xotin erdan bir pog'ona past bo'lishi shart, xotinning jilovini birinchi kundan mahkam ushlab kerak, xotinni yelkangga chiqarsang, o'zi boshingga chiqib oladi, degan pand-nasihatlar ichida o'sgan yoshlardan boshqa narsa kutish ham g'alatiku. Masalan, bolaligimda to'ya o'ynagani uchun so'kish eshitgan kelinchaklarni ko'rganman. Tasavvur qilyapsizmi: bazm tugayapti, ikki yosh raqsga tushsin deb sho'x musiqa chalinyapti, atrofdagilar hadahalab turibdi, kuyov qo'lidan ushlab o'yna desa, kelin bechora erim ruxsat berdi-ku, deya qo'lini qimirlatib yuboradi va so'kish, yig'i, araz, uzr... kuyov obro'yini saqlab qoldi.

Ertasi kuni mahallada duv-duv gap: "Falonchining o'ldim-kuydim deb opkelgan kelini toza yuzsiz ekan-ku. Qo'lidan ushlab o'yna, desa, jilpanglab ketdi. Lekin kuyov malades, bir so'kdi, joyiga tushirdi..." Hozir o'sha gapchilarning qizlari, o'g'illari bemaol vals tushishyapti.

Nima demoqchiman, Surxondaryoda o'sha kuyov kelinning boshiga urgani yo'q, an'anaviy ijtimoiy normalar zamonaviy dunyoqarashning boshiga urdi.

XULLASI KALOM

90-yillar va undan oldingi avlodlarning dunyoqarashi nisbatan tor qobiqda, o'zlari yashab turgan kichik jamiyat ta'sirida shakllangan. Bugungi avlod esa internet, ijtimoiy tarmoq orqali dunyoni bizdan ko'ra ancha erta va yaxshiroq tanimoqda. Yana shu holimida yoshlarning keng olamini o'zimizning eski olaxurjunimizga tiqishtirishga, sig'ishtirishga, siqishtirishga urinaveramiz?!

Katta avlod vakillari yoshlarni qoralayotganda shunday degim keladi: siz maktab direktori, fakultet dekani bilan gaplashganingizda, raykom sekretari yoki kolxoz raisi qo'lingizni siqib qo'ygandagina haftalab osmonda uchib yurgansiz, "Akang qarag'ay, katta odam bo'lib ketdi", deb. Bugungi yigit-qizlar esa Ilon Maskni taniydi. Tramp bilan Twitterda gurunglashadi, manaman degan vazirlar, hokimlarni ijtimoiy tarmoqda tanqid qiladi, ular bilan tortishadi. Shunday ekan, hozirgi yoshlarning xulq-atvori, o'zini tutishi boshqacharoq bo'lishi tabiiy, maqsad-u mo'ljallari kattaroq bo'lishi aniq. Chunki ular fikrlayapti. Fikrlagan, fikr bildirgan odam tirik. O'zgarishlarni tirik odamlar amalga oshiradi. Indamang, ular o'ziga o'xshasin, o'zidan katta avlodning nusxasi bo'lmasin!

BUTUN INSONIYAT SHOIRI

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiiy merosi harbiy xizmatchilarning milliy madaniyati va adabiy-estetik tafakkurini rivojlantirishda alohida o'rin tutadi.



Muallif suratiga olgan

Uning asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalar, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi hamda latofati bilan namoyon etib, ko'plab adabiyot oshuftalari ko'nglidan mustahkam o'rin olgan.

So'nggi yillarda Alisher Navoiyning boy va serqirra ijodiy merosini har tomonlama chuqur o'rganish, uning o'lmas asarlarini harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari o'rtasida keng targ'ib qilish borasida qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Jumladan, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtida Navoiy tavalludining 582 yilligi munosabati bilan barcha oliy harbiy ta'lim muassasalari ishtirokida "Alisher Navoiy ijodiy merosining bashariyat ma'naviy-ma'rifiy taraqqiyotidagi o'rni" mavzusida onlayn ilmiy-ma'rifiy videokonferensiya o'tkazildi.

Tadbirda oliy harbiy ta'lim muassasalari kursantlari, professor-o'qituvchilar, Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali ilmiy kengash kotibi, filologiya fanlari nomzodi Abdurahmon Pirimqulov hamda Chirchiq davlat pedagogika universiteti dotsenti Muso Tojiboyev ishtirok etdi.

Mutaxassislar tomonidan Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy g'oyalar orqali harbiy xizmatchilarning intellektual salohiyatini oshirish, ularda yuksak axloqiy fazilatlarini tarbiyalash, shuningdek, buyuk mutafakkirning adabiy-ilmiiy merosini yanada chuqur o'rganish bo'yicha ma'ruza qilindi.

Sherzod SHARIPOV

✓ TEATR

SAN'ATNING KATTA BIR BO'LAGI

Teatr – san'atning katta bir bo'lagi. U shunchaki oddiy tomosha bo'libgina qolmasdan, insonlar uchun tarbiya, ma'naviyat, ma'rifat maskani hamdir. Kishilar ongiga tez ta'sir o'tkazish imkoniyatiga ega bo'lgan sahna asarlari hayot, voqea-hodisa, turli xil ziddiyat hamda ichki kechinmalarni dramatik xatti-harakatlarda, aktyor ijrosi orqali aks ettiradi.



Ushbu maskanda tomoshabin o'zining xulq-atvoriga chetdan nazar solib, xatti-harakatlarini qayta tahlil etish imkoniyati paydo bo'ladi.

O'zbek Milliy akademik drama teatrida O'zbekiston xalq shoiri Usmon Azimning Amir Temur shaxsiyatiga doir "Adolat fasli" deb nomlangan tarixiy dramasi ikkinchi premyerasi bo'lib o'tdi. O'zbekiston san'at arbobi Baxtiyor To'rayev hamda Asqar Xolmo'minov, kompozitor Ayapbergen Otegenov tomonidan sahnalashtirilgan spektaklni O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan aktyor va aktrisalar maromiga yetkazib ijro etgan.

Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti harbiy xizmatchilari, ularning oila a'zolari hamda kursantlarning madaniy va ma'naviy ozuqa olishi maqsadida ushbu teatrga tashrif buyurdi.

Tomoshabinlarning spektakldan olgan taassurotlari bir olam bo'ldi. Aktyorlarning o'zgacha tarzda bezatilgan kiyim-kechagi va yoqimli musiqalari tomoshabinlar diqqatini jalb qildi. Bu kabi tadbirlar, shubhasiz, yurt himoyachilari ruhini ijobiy ta'sir o'tkazadi. Spektakl harbiylarimizga ekranlarda tomosha qilgan kino qahramonlari bilan yuzma-yuz ko'rinish imkoniyatini yaratgani bilan ham ahamiyatlidir. Bir so'z bilan aytganda, harbiy xizmatchilarning dam olish kuni rejasiga muvofiq, maroqli dam olishi ta'minlandi.

Mayor Sh. HAKIMOV

QAHRAMONLAR NOMI BARHAYOT

Kattaqo'rg'on garnizonidagi harbiy qism harbiy xizmatchilari o'z xizmat burchini bajarish chog'ida mardlarcha halok bo'lgan hamkasbi – kichik serjant Ulug'bek Hasanovning oila a'zolari va farzandlari holidan xabar oldilar.



Mustaqillik yillarida yurtimiz ozodligi, xalqimizning bugungi erkin va obod hayotini ta'minlash yo'lida o'zining aziz jonini qurbon qilgan mard va jasur o'g'lonlarni xotirlash va ularning nomini abadiylashtirish maqsadi ko'zlangan ushbu xayrli tashabbus Narpay tumani hokimligi va tuman mudofaa ishlari bo'limi bilan hamkorlikda tashkil etildi.

– Turmush o'rtog'im o'z xizmati vaqtida tirishqoq, xizmat vazifalariga sidqidildan yondashuvchan, qiyinchiliklardan qo'rqmaydigan, faqat oldinga intiladigan, vatanparvar va qasamyodiga sodiq inson edi, – deydi Ulug'bekning rafiqasi Feruza Hasanova. – 12 yoshli farzandim Jasurbek Hotamov kelajakda otasidek dovyurak Vatan himoyachisi bo'lishni maqsad qilgan.

Kichik serjant Ulug'bek Hasanov 2010-yil 24-avgust kuni Buxoro dala-o'quv maydonidagi jangovar tayyorgarlik mashg'ulotlaridan qaytish vaqtida baxtsiz hodisa tufayli avtohalokat natijasida vafot etgan. Uning matonati va fidokorona xizmatlari "O'zbekiston Qurolli Kuchlariga 30 yil" esdalik nishoni bilan taqdirlandi.

Podpolkovnik Doniyor JAMOLOV

✓ ULUG'LAR YODI

MILLIY MA'NAVIYATIMIZ DAHOSI

Ulug' shoir Alisher Navoiy o'z asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, turkiy tilning beqiyos so'z boyligi, uning cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etgan.



Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligi tomonidan so'z mulkingning sultoni, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 582 yilligiga bag'ishlab ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi. Unda Yozuvchilar uyushmasi a'zolari, harbiy xizmatchilar hamda o'quvchi-yoshlar ishtirok etdi.

Dastlab tadbir ishtirokchilari Adiblar xiyobonidagi Alisher Navoiy haykali poyiga gul qo'ydi. Tadbir ishtirokchilari buyuk mutafakkirning hayoti, uning asarlarida namoyon bo'lgan komil inson tushunchasining mohiyati haqida so'z yuritdi. So'ngra san'at va adabiyotga oshno bo'lgan harbiy xizmatchilar, yoshlar va ijodkorlar tomonidan shoirning g'azallari va ruboiylari o'qildi.

Tadbir Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligida davom etdi. Unda so'zga chiqqanlar so'nggi yillarda Navoiyning boy hamda serqirra ijodiy merosini har tomonlama chuqur o'rganish, uning o'lmas asarlarini yurtimiz va xorijiy mamlakatlarda keng targ'ib qilish, xotirasini abadiylashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar xususida fikr-mulohazalar bildirdi. Shuningdek, askarlar tomonidan buyuk mutafakkirning hayoti va ijodiga bag'ishlangan teatrlashtirilgan sahna ko'rinishlari ham namoyish etildi.

Sherzod EGAMBERDIYEV,
«Vatanparvar»

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Оила – жамиятнинг таянчи. Фарзандларимиз онгида элу юртга, Ватанга муҳаббат туйғулари оилада, яшаб турган маҳаллада шаклланади. Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши энг олдин мана шу кичик жамиятда ўсиб-унаётган болаларимизга боғлиқ. Қайси оилада, қайси маҳаллада тарбия яхши йўлга қўйилар экан, ўша оила, маҳалла гуллаб-яшнади.



Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб жавоб берган.

Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздан. «Бир болага етти қўшни ота-она» деган ибратли мақол ҳам айнан халқимизга хос. Мана шу мақолнинг ўзи ҳам фарзанд тарбияси, оилапарварлик биз учун нечоғлиқ муҳим эканини билдиради. Маҳалла аҳли, айниқса, кексалар кўчада нобоп иш қилаётган бола олдида ҳеч қачон бепарво ўтиб кетмаган, шу заҳотиёқ танбеҳ бериб, тўғри йўлга чақирган. Зеро, ҳар томонлама чиройли, одобли, гўзал хулқли бўлиш, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас динимиз оилага катта аҳамият беради.

Оиладаги муҳит ота-она ўз масъулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Болаларнинг одобли бўлиб улғайиши учун ота-она билан бир қаторда маҳалла-қўй ҳам катта ибрат мактабидир. «Қўш уясида кўрганини қиладди», деб бежиз айтмаган халқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатда олижаноб фазилатларни намоеън эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлгон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутати. Бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг

табиатига салбий таъсир қилади. Бу эса, ўз навбатида, оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан «маънавий касал» инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар «оммавий маданият» таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларга оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараён-дир.

Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяди.

Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган.

Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-муфрад» ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг «Танбеҳул ғофилийн» асарларида фарзандларда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган.

Фарзанд тарбия қилганда, одатда, ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота,

қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Албатта, бунда фарзанднинг савиясини инobatга олиш муҳим. Боланинг бирор бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан, икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия бўлади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, соғлом оилавий муҳитни яратишимиз зарур бўлади.

Оилада отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири хунук оқибатларга сабаб бўлади. Ота сусткашлик қилиб, бурчини адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда яхши амални ўргатмагани оқибатида ўз фарзандларида зарур ижобий хислатларни шакллантиролмайдди. Фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Кейинги давр эса бироз талабчанлик ва интизомни талаб этади. Бу давр ўсмирлик пайти бўлиб, бола оқ-қорани айни шу даврда ажратади. Яхшиликка муқофот, ёмонликка жазо муқаррарлигини шу босқичдан ўрганади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг одобли, яхши инсон бўлиши учун муҳим қадам қўйилади.

Меҳр-муҳаббат беришда ҳам меъёрни сақлай билиш керак. Боланинг барча айтганларини қилиш, барча тўғри-нотўғри хатти-ҳаракатларини маъқуллаш ёки хатто индамаслик фарзанднинг умуман тарбиясиз бўлиб ўсишига олиб келади. Ортиқча талтайтириб эркалаш болани ҳар жиҳатдан сустлаштириб қўяди, меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга ундайди. Эрка ўсган бола фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, масъулиятсиз бўлиб вояга этади. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир. Болалик чоғида фарзанднинг қалби ўта юмшоқ ва таъсирга берилувчан бўлади. Шу боис диний

таълимотларда болаларни меҳр билан эркалаш, фарзанднинг болалик даврини хурсанд ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, қиз боланинг кўнгли нозик бўлишини ҳисобга олиб, уларга алоҳида меҳр кўрсатишга чақирилади.

Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзликдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради. Шу жумладан, таълимни ҳам ғазаб ва жазолаш билан амалга оширмаган маъқул. Зеро, зўрлаб берилган таълим бола хотирасидан тезда ўчиб кетади. Оқибатда, унинг шу соҳага нисбатан қизиқиши сўниши мумкин. Бундан кўринадики, таълим яхши тарбиядан бошланади.

Ёш авлод етук ва комил шахс бўлиб вояга етиши учун яна бир муҳим омил ҳаёт тарзига айланиши зарур. У ҳам бўлса – «ки-тобхонлик». Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Оммавий, илмий кутубхоналар, «Айбук» тарзидаги китоб-кафе дўконлари ва бошқалар сўзимизнинг яққол мисолидир.

Ота-она фарзандига вақтни унумли ўтказишни ўргатишда восита сифатида фойдаланиши мумкин бўлган усуллардан яна бири замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишидир.

Ота-она болада эстетик тарбия, гўзал манзаралардан завқ олиш ҳиссини шакллантириш учун уни ўзи билан бирга табиатдаги манзарали жойларга, музейларга олиб бориши ва шу билан бирга, унинг қалбида гўзаллик латофатини сингдириши муҳим.

Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъаналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

**Маҳзуна ТУРАНОВА,
 Марказий ҳарбий округ хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси**

✓ NAZM

ОНА...

Бу сўзни англадим
 фарзандли бўлиб,
 Қўлга қалам олдим
 кўзга ёш тўлиб,
 Менинг бахтим учун
 бормоқда сўлиб,
 Она, бағрингизга
 бошимни қўяй...

Доим қалб қўрида
 бергансиз меҳр,
 Ҳеч зотда топилмас
 бундайин сеҳр,
 Она бебаҳодир,
 биттадир ахир,
 Она, бағрингизга
 бошимни қўяй...

Бошимда бўлгансиз
 доим парвона,
 Фарзанд учун
 жонин аярми она?
 Ҳаётда дўстимиз,
 яқин, ягона,
 Она, бағрингизга
 бошимни қўяй...

Меҳридан порлайди
 уйимда қуёш,
 Сўз ила даволар
 кўзда кўрса ёш,
 Қандай фарзанд бўлди,
 бўлсак бағритош,
 Она, бағрингизга
 бошимни қўяй...

**Гулшан ЭРГАШЕВА
 Самарқанд вилояти**

PREZIDENT MAKTABI O'QUVCHILARI

Bugun mamlakatimizda yoshlar ta'limiga e'tibor har qachongidan ham yuqori sifat darajasiga ko'tarildi. Ertamiz egalariga zamonaviy ta'lim berilishini yo'lga qo'yish hamda ularning o'z qobiliyatlarini yuzaga chiqarishlariga ko'maklashish maqsadida turli yo'nalishli maktablar faoliyat yurita boshladi. Ijod, san'at, sport maktablarida yoshlar o'z qobiliyati darajasida orzulari sari odimlamoqda.



Ular orasida Prezident maktablarining o'ni juda yuqori. Har yili minglab yoshlarning ushbu ta'lim dargohiga kirishga bo'lgan intilishlari, bu yo'ldagi tinimsiz o'qib-o'rganishlarini kuzatib, bunday maktablarni tashkil etishdan ko'zlangan maqsad nechog'liq ahamiyatli ekanini sezish mumkin.



HARBIY OKRUGGA SAYOHAT QILISHDI

Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahrida joylashgan Prezident maktabida ham 168 nafar qobiliyatli yosh ta'lim olyapti. Maskanda barcha fanlardan ta'lim jarayonlari mukammal olib borilayotgani aniq. Buning uchun sohasining eng mohir bilimdon pedagoglari saralab olingan.

Yoshlarning harbiy-vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirishda esa harbiy xizmatchilarning o'rni va roli yuqori, albatta. Shu jihatdan Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug harbiy xizmatchilari Qarshi Prezident maktabi o'quvchilari bilan ko'plab tadbirlar tashkil etib borishadi. Shunday tadbirlarning uzviy davomi sifatida bu safar bir guruh o'quvchi-yoshlar Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug boshqaruv apparatiga sayohat qilishdi. Ertamiz egalarini yuqori kayfiyatda kutib olgan mezbon ofitserlar ularni okrug hududi va harbiy xizmatchilarga yaratilgan sharoitlar bilan yaqindan tanishtirishdi.

Maskanda tashkil etilgan okrug tarixi muzeyi sohaga doir ko'pgina ma'lumot va jihozlarni o'z ichiga oladi. O'quvchilar mazkur maskan bilan tanishar ekan, yil sayin takomillashib

borayotgan milliy armiyamiz qudrati va harbiy xizmatchilarimiz salohiyati borasida atroflicha ma'lumotlarga ega bo'ldilar. Bo'lajak Vatan himoyachilarini kuzatib, ulardagi hayrat va havasni ko'rish mumkin.

Shundan so'ng madaniyat markazida harbiy xizmatchilar va ustozlar bilan vatanparvarlik ruhidagi suhbatlar bo'lib o'tdi. Harbiy orkestr jamoasi tomonidan ijro etilgan kuylar barchaga manzur bo'ldi. O'z navbatida o'quvchilar ham ijodiy chiqishlari bilan davraga ko'tarinki ruh ulashdi. Boshqaruv apparatining ziyo maskani sanaladigan qishki va yozgi kutubxonalar bilan tanishuv yosh kitobsevarlarni xushnud etdi.


– Ochig'ini aytsam, harbiylar uchun shunday ko'p kitob fondiga ega kutubxona bor ekanini aytishsa ishonmagan bo'lar edim. Chunki harbiy xizmatchi faqat jismonan kuchli bo'lish uchun mashg'ulotlar bilan band bo'ladi, deb o'ylar ekanman. Lekin ko'rdimki, yurt himoyachilari nafaqat jismoniy tayyorgarlik, balki ilm olish yo'lida ham ildam ekanlar, – deydi o'quvchi Mubina Farruxbekova.

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug matbuot xizmati

MA'NAVIYAT

NAVOIY YOSHLAR NIGOHIDA

Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutida Alisher Navoiy tavalludining 582 yilligiga bag'ishlangan ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.



Keng jamoatchilik vakillari, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari hamda o'quvchi-yoshlar ishtirok etgan tadbirida Navoiyning hayoti va ijodiga bag'ishlangan tasviriy san'at va g'azalxonlik tanlovlari, kursant hamda o'quvchilar ishtirokida sahnalashtirilgan ko'rgazmali chiqishlar namoyish etildi.

So'z olgan aktyor va shoirlar Alisher Navoiyning adabiy asarlarini tahlil qilar ekan, o'sha davr siyosati va madaniyati bilan uyg'un ekanligiga urg'u berishdi. Tadbir davomida Navoiy yuqori martabada faoliyat yuritgan bo'lsa-da, mamlakat hayotining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga katta hissa qo'shgani, ilm-fan, san'at rivojiga homiylik qilgani, tinchlik va totuvlik hukm surishida uning harakatlari beqiyosligi ta'kidlandi. Bugungi kunda dolzarb muammolardan biriga aylanib borayotgan ona tilimizga bo'lgan e'tiborni ham so'z mulkining sultoni bo'lmish Navoiydan o'rganishimiz kerakligi aytib o'tildi.

Tadbir yakunida tanlov g'oliblari va faol ishtirokchilar tashkilotchilar tomonidan diplom hamda esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi. Shuningdek, Qurolli Kuchlar Markaziy ashula va raqs ansambli xonandalari tomonidan ijro etilgan kuy va qo'shiqlar barchaga xushkayfiyat ulashdi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV, Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti

DAVRA SUHBATI

PROKUROR VA YOSHLAR UCHRASHUVI

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasida tahsil olayotgan kursantlar ishtirokida "Prokuror va yoshlar" uchrashuvi o'tkazildi.



Uchrashuvda Toshkent harbiy prokurorining o'rinbosari F. Saysultanov tomonidan jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish, profilaktika qilish masalalari, harbiy prokuratura organlari tomonidan bu yo'nalishda amalga oshirilayotgan ishlar, islohotlar yuzasidan ma'lumot berildi.

Uchrashuv davomida kursantlar o'zlarini qiziqtirgan savollariga javoblar oldi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV, Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

HAMKORLIK

IKKI OLIYGOH O'RTASIDA MEMORANDUM IMZOLANDI

Qarshi shahridagi O'zbekiston Respublikasi oliy harbiy aviatsiya bilim yurtida ushbu oliygoh hamda Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universitetining Qarshi filiali o'rtasida o'zaro hamkorlik memorandumi imzolandi.



Ikki oliygoh rahbarlari va ularning o'rinbosarlari tomonidan imzolangan hujjat endilikda tomonlarning o'zaro tajriba va malaka almashishlari uchun ko'prik vazifasini o'taydi. Rasmiy marosimdan so'ng mehmonlar bilim yurtida kursantlarning ta'lim olishi uchun yaratilgan shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishib chiqishdi.

Tomonlar mazkur memorandum orqali sohaga ilmiy izlanishlar bo'yicha yangiliklarni faol olib kirishni birgalikda bajarish, pedagogika sohasiga ilg'or texnologiyalar va innovatsion yondashuvlarni tatbiq etishda o'zaro tajriba almashish tizimini joriy etishni maqsad qilgan.

Ta'kidlash kerakki, Oliy harbiy aviatsiya bilim yurti har tomonlama mukammal infratuzilmaga ega. O'quv binolari, laboratoriyalar, simulyatsion parvozlarni amalga oshirish imkoniyatlarining mavjudligi kursantlarni jahon standartlari talablariga javob beradigan ta'lim dasturi bilan ta'minlaydi.

Toshkent axborot texnologiyalari universitetining Qarshi filiali ham bugun innovatsiyalar va ta'lim yo'nalishida bir qator yutuqlarni qo'lga kiritib kelmoqda. Shu jihatdan ikki ta'lim dargohining ilmiy hamda pedagogik-tarbiyaviy uslublarini o'zaro hamohang tarzda qo'llab, yanada ulkan marralarni zabt etish mumkin. Hamkorlik mohiyati ham ayni shu maqsadlarni qamrab olgan.

Қуролли Кучлар Академияси Ҳарбий психология ва педагогика кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 сентябрдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган «Юксак жанговар руҳ аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир!» концептуал ғоя асосида «Психологик хизматнинг долзарб муаммолари ва уни ечиш йўллари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Қуролли Кучлар академияси Ҳарбий психология цикл бошлиғи подполковник Шерзод Равшанов ҳозирги кунда психологик хизматни ташкиллаштиришда учраётган долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўллари бўйича таклиф ва тавсияларини берди ҳамда конференция қатнашчилари бу борада ўзаро тажриба алмашишди. Психологик ишларни ташкиллаштиришда ҳар бир мансабдор шахснинг мажбурияти ва жавобгарлиги борлиги ҳақида муҳокама қилинган бўлиб ўтди.

Анжуманда «Психологик ёрдамнинг тез фурсатли усуллари», «Қуролли Кучлар тизимида психологик таъминотнинг мазмуни ва тузилмаси», «Ҳарбий хизматчилар билан ишлашда дин психологиясининг ўрни ва аҳамияти», «Супервизия ва психологии», «Психик тараққиётга табиий-ижтимоий муҳит таъсирининг психологик жиҳатлари», «Депрессив ҳолатларни аниқлаш ва психокоррекция қилиш», «Пси-

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМИ



хологнинг касбий этикаси», «Қуролли Кучлар тизимида психологик ишларни олиб боришда учраётган муаммолар ва уларни ечиш йўллари» каби мавзулар бўйича ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчилари, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, докторантлар ва илмий изланувчилар иштирок этди.

Конференция жараёнида муҳокама қилинадиган мавзулар бўйича шуъбалар ташкил қилиниб, уларда «Командирлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳарбий хизматчиларда педагогик оғиш ҳолатлари учраганда педагогик профилактика билан психологик ёрдамни фарқлаш ва реабилитация ишларини тўғри ташкиллаштиришнинг ўрни», «Ҳарбий хизматчилар шахсини ўрганишда психологик хизматнинг ўрни», «Ҳарбий қисм ва бўлинмалардаги муҳитни соғломлаштиришда командирларнинг билим ва тажрибаси ҳамда психологик хизматнинг роли», «Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда шахсий таркибни психологик ўрганиш муаммолари» каби долзарб вазифалар кўриб чиқилди.

Подполковник С. АБДУСАМАТОВ,
Мудофаа вазирлиги бўлим
катта офицери.
Подполковник Ғ. САБИРОВ,
Қуролли Кучлар академияси
катта ўқитувчиси.

✓ UCH AVLOD UCHRASHUVI

UCHUVCHILAR

PREZIDENT MAKTABIDA

Наво ҳужимдан мудофаа ҳо‘шинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қо‘мондонлиги ва устоз фажрилари, Чирчиқ шаҳрида joylashgan ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ҳамда Toshkent шаҳрида joylashgan Президент мактаби о‘қувчи-юшлари иштирокida “Uch avlod uchrashuvi” bo‘lib o‘tdi. Maktab yo‘lagida ҳарбий хизматчилар томонидан олиб келинган турли ҳарбий қуrollar, texnikalar maketlari tadbir atmosferasiga o‘ziga xos ta’sir ko‘rsatdi.

Har bir bolaning yoshlikdagi orzusi hisoblanmish uchuvchilik, samolyotning qanday havoga ko‘tarilishi, parashyutdan sakrash, qanday qilib uchuvchi bo‘lish haqidagi savollar o‘quvchilarga sira tinchlik bermadi.

Qo‘mondonlikning Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari polkovnik Davron Usmonov, faxriylar kengashi raisi – iste‘fodagi polkovnik Aleksandr Xarlamov, iste‘fodagi polkovnik Rustam Rustemov; uchuvchilardan kapitan Ataman Xudoyqulov, qidiruv-qutqaruv guruhi parashyutchilari – kapitan Shamsiddin Ismatov va serjant Muzaffar G‘oyibnazarovlar o‘nlab bolalarning bu boradagi savollariga sodda va tushunarli metodlar asosida javob berishdi.

Eng qizig‘i, o‘quvchilarning ko‘plab so‘rovlari o‘sha yerning o‘zida o‘quv qurollari va maketlar yordamida ko‘rsatib

berildi. Ayniqsa, uchuvchilarning parashyut va balandlikda uning qanday ochilishi borasidagi “master klass”lari barchani birdek hayratlantirdi.

Uchrashuvning jonli va yuqori kayfiyatda o‘tishida Mudofaa vazirligining Markaziy ashula va raqs ansambli, “Impuls” jamoasining musiqiy va jangovar ohanglari o‘z hissasini qo‘shdi.

Maktab direktori Sevara Shokirova mehmonlarni qutlar ekan, sarhadimiz lochinlarini o‘quvchi-yoshlarga chinakamiga motivatsiya bera olganliklari uchun samimiy minnatdorlik bildirdi.

Uchrashuv so‘ngida o‘zaro hamkorlik va bundan-da qiziqarli tadbirlar tashkillashtirish bo‘yicha muhim kelishuvlarga erishildi.

Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti



ҲУРЛИК

(воқеий қисса)



ФИДОЙИЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ИТЛАРГА ИТ ҲИМИ

– Яшавор, Аҳмедов! Бундан чиқди, қашқирлар чегара томон йўл олгану, тоғлардан ўтолмай, ортига қайтган.

– Қидирувни давом эттирайликми, ўртоқ командир?

– Худди шундай! Фақат вертолёт сизларни ҳозир жангариларнинг бошлиғи қўним топган жойга етказсин. Босқинчиларни пастдан излайсизлар. Бошқа гуруҳ йигитлари ҳам ўша жойга яқинлашиб қолди. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, омад!

– Хўп бўлади, ўртоқ командир!

Оппоқ қорли тоғлар узра ҳаракатланаётган ҳарбий вертолёт «Қоплон» йигитларини белгиланган жойга етказди. Икки-уч метр баландликда муаллақ турган вертолётдан биринчи бўлиб гуруҳ бошлиғи Аҳмедов ва бирин-кетин бошқалари сакради. Елкасига қадар қорга кўмилган посбонларнинг қор билан қурашишига тўғри келди. Ахир қалин қор ичида йўл очиб юришнинг ўзи бўладими. Аммо ҳар томонлама шакланган профессионал юрт посбонлари учун бу синовлар ҳеч гап эмас.

– Мана бу томонга юрамиз, – йўл бошлади капитан Аҳмедов. – Эҳтиёт бўлишимиз керак. Қуроллар қўлингизда шай турсин! Улар ярадор бошлиғини ёлғиз қолдирмагани аниқ. Камида иккита иблис ёнида бўлса керак.

– Босқинчилар тоғдаги қорли совуқда, балки, ҳаракатсиз музлаб қолгандир, – фикр билдирди гуруҳ командири орқасидан ҳаракатланаётган лейтенант Тўлаганов. – Палаткада беркиниб ўтиришнинг ўзи бўладими, олов ёқолмаса.

– Қашқирлар музламайди, шунга яраша тайёргарлик кўрган, – капитан Аҳмедов жавоб бериш асносида

бўйини чўзиб, атрофни синчиклаб текширар, йўл очишда давом этарди.

– Тўғри, – командирнинг фикрини қувватлади катта лейтенант Муҳаммадиев, – қонини қиздириб турадиган дорилардан ичиб, чекиб олади иблислар.

Шунда улар кетаётган йўналиш томондан автоматлар товуши қулоққа чалинди ва гранаталар портлади.

– Бизникилар босқинчилар «уяси»ни топган кўринади, – юришдан тўхтаб, қўлига дурбин олди гуруҳ командири. – Йигитлар, ҳушёр бўлиб атрофни кузатинг!

– Қордан бошқа ҳеч вақо кўзга ташланмаяпти.

– Олдинга юришимиз керак, мен йўл очиб бораман, сизларнинг қўлингизда автоматлар шай турсин! Босқинчиларнинг тирик қолгани биз томонга қочиши мумкин, – жон-жаҳди билан йўл очишда давом этди капитан Аҳмедов...

Улар етиб борганида жанг тугаган, жангарилар паноҳ топган палатка ичида босқинчилар бошлиғи ва икки гумаштаси ит ўлимни топганди.

– Йигитлар, ортга қайтишга буйруқ бўлмагунча жиноят жойида бўламиз, яъни шу ерда қоламиз, – «Барс» ва «Қоплон» жангчиларини вазиятдан огоҳ этди катта лейтенант Баҳриев. – Қани, шахтингизни ишга солинг, гулхан ёқмасак бўлмайди. Бунинг учун ўтин керак...

Тоғ тепасидаги операция муваффақиятли якунлангач, «Барс» ва «Қоплон» йигитлари эртасига ортга қайтди. Шу кун ички ишлар вазири бошчилигида «Янгиобод» операцияси бошланди. Ушбу жанговар ҳаракатда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги махсус операцияларни амалга оширувчи «Йўлбарс» отряди йигитлари ҳам иштирок этди.

– Йигитлар, катта вазифани талафотсиз амалга оширдиларинг,

жасоратларинг таҳсинга лойиқ, – навбатдаги операцияга саф тортган посбонларга миннатдорлик билдирди «Барс» командири полковник Тожибоев. – Олдимизда яна масъулиятли вазифа турибди. Тоғларда олиб борилган қайта текширувларга кўра, босқинчилар доволардан ўта олмай, пастга тушгани аниқланди. Жангариларнинг сони номаълум. Босқинчилар шу ердаги дачаларда жон сақлаётган бўлиши мумкин. Кўриб турганингиздек, бу ерда тоғларга туташ тўрт юздан зиёд дача бор. Айна дамда дам олиш зонаси атрофи ўраб олинган. Вазифамиз – жангариларни яширинган инидан топиб, йўқ

ник Ботир Абдуллаев қўл остидаги йигитлар ҳам дачаларда текширув ишларини бошлади.

– Катта лейтенант Худойберганов!

– Эшитаман, ўртоқ подполковник!

– Йигитларинг билан адирликка чиқиб, дачаларнинг орқа томонидан кириб борасан! Олдиндан ҳаракат қилиш хавфли, тушунарлими?

– Худди шундай, ўртоқ подполковник!

– Қудрат, рация орқали менга ҳар бир текширув ҳақида ахборот бериб турасизлар. Энг асосийси, қуролларинг шай турсин. Душман оддий босқинчилар эмас, террорчи жангарилар.

– Тушундим!

«Йўлбарс» отрядининг гуруҳ командири катта лейтенант Қудрат Худойберганов қўл остидаги беш нафар йигит билан дачалар орқасига ўтиш учун адирлик сари интилди. Янгиобод шаҳарчаси яқинидаги аҳоли томонидан қурилган неча юзлаб бу дачалар тоғларга тутшиб кетган адирлик этагига қурилган. Посбонлар манзилга яқинлашганида тоғ томондан тушиб келган одам изига рўбарў бўлишди. Излар айнан дачалар томон ҳаракатланганди.

– Ўртоқ подполковник, ахборот беришга рухсат этинг!

– Эшитаман, Худойберганов.

– Тоғдан тушган одам изини кўрдик. Қордаги изнинг кенг ва чуқурлигига қараганда, кўпчилик битта изга қадам босган.

– Излар босқинчиларники экани аниқ. Тезда чоралар кўринг! Дачаларга эҳтиётлик билан яқинлашинг, йигитларни асра...

Катта лейтенант Худойберганов шерикларига вазиятни тушунтирди:

– Йигитлар, икки кишидан бўлиб текширувни бошлаймиз. Агар жангарилар дачалар ичида бўлса, биз уларга очиқликдаги нишонмиз. Шунинг учун овозсиз, тез ҳаракат қилишимиз керак. Дача ҳовлисига аҳолдан изларга эътибор беринглар!

«Йўлбарс» посбонлари текширув ҳаракатларини бошлади. Биринчи дача назоратдан ўтказилди, ҳаммаси жойида. Иккинчи дачада ҳам кўпдан буён одам яшамагани аниқланди. Навбат учинчисига. Олтовлон икки кишидан бўлиб масофани сақлаган ҳолда дачага яқинлашишди.

– Йигитлар, дача деразасидан ичкаридаги қора кийимликка кўзим тушгандек бўлди, – шерикларига хабар берди катта сержант Юнусов.

– Абдужаббор, аниқ кўрдингми, ёки...

– Кўзим илғандек бўлди-да, менимча, ичкарида кимдир бор.

– Унда тезда дача биносининг ён томонига келинглар, маслаҳат қиламиз, – гуруҳ посбонларини йиғди Худойберганов. – Тўрт киши уйни ўраб олади. Икки киши ичкарига киради... – ҳаракат режасини тузди посбонлар.

– Унда Худаяров иккимиз ичкарига кирамиз, – жонбозлик кўрсатди катта сержант Юнусов.

– Барчанинг қуроли қўлида шай турсин! – йигитларига уқтирди Худойберганов. – Абдужаббор, Отабек, айниқса, сизлар эҳтиёт бўлинг! Ҳаммага омад!

Посбонлар жойини эгаллагач, Юнусов ва Худаяров қуроллари шай ҳолда дача ичига кирди. Фурсат ўтмай, ичкаридан «Аллоҳи акбар!» деган қичқирик эшитилди-ю, автоматлар овози атрофни тутди...

(Давоми кейинги сонда)

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

қилиш. Имкони бўлса, тирик қўлга олиш керак. Малъунлар қандай хунрезликни бошламоқчи бўлган, яна қаерда гумашталари бор, билишимиз зарур. Олдиларингга қўйилган вазифа бўйича гуруҳ командирларинг тўлиқ маълумот беради. Ҳаммага тушунарлими?

– Худди шундай! – баравар жавоб қайтарди юрт ҳимоячилари.

Махсус вазифаларни бажарувчи «Барс» батальони, «Қоплон» ва «Йўлбарс» отрядларининг посбонлари ёмғир аралаш қор ёғиб турган бир паллада илқиларидаги бурчни бажаришга киришди.

– Буйруққа асосан, дачаларда тозалаш ишларини олиб борамиз, – йигитларига вазиятни тушунтирди «Қоплон» отряди гуруҳи командири капитан Аҳмедов. – Бизга бириктирилган ҳудудлардаги ҳар бир дачани масъулият билан кўздан кечиришимизга тўғри келади. Бунинг учун беш кишилик кичик гуруҳларга бўлинамиз. Ҳамма тайёрми?

– Тайёрмиз!

– Унутманг, қиш яқинлиги учун кўп дачалар қулф ҳолатда. Эгалари асосан баҳорда қайтади. Аммо бу ичкарида ҳеч ким йўқ дегани эмас. Босқинчилардан ҳамма нарса кутса бўлади. Тунда атроф назоратида турган йигитлар дачалар томонда ёруғлик кўрган. Шунинг учун эҳтиёт чораларини қўллаган ҳолда, оёқ изларига эътиборли бўлиб ҳаракат қиламиз. Ҳаммининг қурол-яроғи жойидами, муаммо йўқми?

– Асло йўқ!

– Унда жанговар операцияни бошлаймиз!

«ЙЎЛБАРС» ПОСБОНЛАРИНИНГ ЖОНБОЗЛИГИ

«Янгиобод» операциясига жалб этилган Мудофаа вазирлиги махсус операцияларни амалга оширувчи батальон командири подполков-



Хиндистон ҳарбий-саноат комплекси ядросини ташкил этувчи давлат корпорациялари қаторига кирувчи «Бхарат дайнэмикс лтд» (БДЛ) корпорацияси мамлакатнинг энг муҳим ва йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлиб, фаолиятининг асосий йўналиши оператив-тактик ракета­лар (ОТР), ўрта масофаларга мўлжалланган баллистик ракета­лар (ЎМБР), қитъаларо баллистик ракета­лар (ҚБР)ни яратиш ва ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундан ташқари, корпорацияга қарашли корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қаторига «ҳаво-ҳаво» типидagi ракета­лар, танкка қарши ракета комплекслари (ТҚРК) ва турли масофаларга мўлжалланган зенит-ракета комплекслари (ЗРК), шунингдек, турли тренажёрлар ҳамда ишлаб чиқарилаётган қурол тизимлари ва ҳарбий техника учун мўлжалланган назорат-тест ускуналари ҳам киради.

«БХАРАТ ДАЙНЭМИКС» ҲАРБИЙ-САНОАТ КОРПОРАЦИЯСИ

Ташкилий жиҳатдан Мудофаа ва зирлигининг Ҳарбий ишлаб чиқариш департаментига қарашли бўлган «Бхарат дайнэмикс»нинг саноат базаси таркибига Ҳайдаробод, Канчанбах, Бханур ва Вишакхапатнам каби шаҳарларда жойлашган корхоналар киради. Корпорация штаб-квартираси Ҳайдарободда жойлашган. Хиндистон ҳукумати томонидан тасдиқланадиган директорлар кенгаши БДЛнинг бошқарувчи органи ҳисобланади. Ходимларнинг умумий сони деярли 3 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 900 нафардан ортиғи бошқарув аппарати ва техник ходимлардан иборат.

Корпорация яхши шаклланган ва ривожланган хусусий илмий-тадқиқотчилик базаси (ИТБ)га эга бўлиб, унинг таркибидан замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланган илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари маркази ҳам жой олган. БДЛ раҳбарияти ИТБ имкониятларини янада кенгайтириш борасида фаол иш олиб бормоқда, мазкур йўналишда аэродинамик тадқиқотлар олиб бориш, лазер техникаси, нишонга ўз-ўзидан тўғриланувчи ўқ-дорилар, портлатгичлар ва турли типдаги ракета ёнилғиларини яратишга ихтисослашган кенг қўламли технологик йўналишдаги янги лабораториялар очилмоқда. Деярли барча типдаги ракета қуролларини яратишда Хиндистон Мудофаа вазирлигига қарашли Мудофаа тадқиқотлари ва ишланмалари ташкилоти (МТИТ) ҳамда унинг таркибига кирувчи илмий-тадқиқотчилик муассасалари ходимлари иштирок этади.

Корпорациянинг умумий фаолияти нисбатан барқарор асосий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Жумладан, 2010-2020 йиллар мобайнида ҳарбий йўналишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар, умумий савдо ҳажми 2 баробар, даромад ҳажми эса деярли 10 баробарга ошган.

Канчанбах шаҳрида жойлашган корхона фаолияти 1970-йилларда Франциянинг «Аэроспасьяль» компанияси билан тузилган битим асосида SS11B1 типидagi танкка қарши ракета комплексининг биринчи авлодини лицензия бўйича ишлаб чиқариш билан бошланган. Ҳозирги вақтга келиб мазкур корхонада Европанинг MBDA корпорацияси лицензияси асосида «Милан-2Т» типидagi иккинчи авлод ТҚРКлари, «Притхви-1» (фойдали юкланма оғирлиги 1 000 кг ва отиш масофаси 150 км.гача), «Притхви-2» (жанговар қисм оғирлиги 500 кг ва отиш масофаси 350 км.гача), «Притхви-3» (жанговар қисм оғирлиги 250 дан 1 000 кг.гача ва отиш масофаси 350 дан 700 км.гача) ҳамда «Прахар» (отиш масофаси 150 км.гача) типидagi ОТРлар, «Агни-1» (отиш масофаси 700 км.гача), «Агни-2» (2 500 км.гача), «Агни-3» (3 000 км.гача), «Агни-4» (3 500 км.гача), «Агни-5» (5 000 км.гача) ва «Агни-6» (6 000 км.гача) типидagi ўрта масофаларга мўлжалланган ва қитъаларо баллистик ракета­лар, шунингдек, яқин масофаларга мўлжалланган «Акаш» ҳамда ўрта масофаларга мўлжалланган «Акаш-НГ» типидagi зенит-ракета комплекслари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Корпорациянинг Бханур шаҳридаги корхонасида танкка қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган 9К113М «Конкурс», «Наг», «Намика», «Хелина», МРАТГМ, «Амогха» ва бошқа типдаги ракета комплекслари, «Астра», «Инвар» типидagi бошқарилувчи ракета­лар ишлаб чиқарилади. Юқоридаги маҳсулотлар учун мўлжалланган бутловчи қисмларнинг деярли 80 фоизи ана шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Вишакхапатнам шаҳрида жойлашган корхонада эса МТИТнинг Ҳарбий денгиз тадқиқотлари бошқармаси таркибига

кирувчи илмий-технологик лаборатория мутахассислари томонидан яратилган тропеда қуроллари ишлаб чиқарилади. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларига экспорт қилиш учун мўлжалланган «Шиена» типидagi 324 мм.ли енгил торпедаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, БДЛ корпорацияси Хиндистон Ҳарбий денгиз кучларининг сувусти кемаларини жиҳозлаш учун мўлжалланган «Варунастра» типидagi 533 мм.ли оғир торпедаларни ишлаб чиқариш учун лицензия олган ва уларнинг дастлабки сериявий намуналари мамлакат Ҳарбий флотига 2020 йил ноябрида етказиб берилган.

Торпеда қуролларидан ташқари, мазкур корхонада С-303 типидagi торпедаларга қарши химоя тизимлари, денгиз миналари, сохта нишонлар, хилма-хил тренажёрлар ва ракета­ларни ишга тушириш қурилмалари ҳам ишлаб чиқарилади.

Мавжуд саноат базасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш билан бир қаторда БДЛ корпорацияси ўз ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришга интилиб келмоқда. Жумладан, Амравати шаҳридаги корхонада яқин масофаларга мўлжалланган зенит-ракета­ларини яратиш дастурлари доирасида турли типдаги зенит-ракета комплекслари, Ибрахимпатнам шаҳридаги корхонада эса бошқарилувчи зенит-ракета­лари ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган.

Шу билан биргаликда, корпорация раҳбарияти хорижий ҳамкорлар билан ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Исроилнинг «Израэль аэроспейс индастриз» ва «Рафаэль» компаниялари билан ҳамкорликда ўрта масофаларга мўлжалланган MRSAM («Барак-8») ва ракета эсминецлари ҳамда «Викрант» авианосецига ўрнатиш учун мўлжалланган LSAM типидagi зенит-ракета комплексларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, «Бхарат дайнэмикс» томонидан ишлаб чиқариладиган ҳарбий маҳсулотларнинг асосий қисми Хиндистон Қуролли Кучларига етказиб берилади. Экспортга эса фақат енгил торпедалар юборилади. Ҳозирда корпорация раҳбарияти ҳарбий йўналишдаги маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳисобига экспорт имкониятларини ошириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. БДЛ маҳсулотларига Бангладеш, Шри-Ланка, Филиппин, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Вьетнам ва бошқа бир қатор мамлакатлар қизиқиш билдирмоқда.



YOSHLAR "TEMURBEKLAR MAKTABI" DA



O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi hamkorligida Milliy gvardiyaning Toshkent "Temurbeklar maktabi" harbiy akademik litseyida umumta'lim maktablari o'quvchilari, profilaktik hisobda turuvchi yoshlar ishtirokida tadbir o'tkazildi.



Bir kunlik tadbir davomida Toshkent shahrining barcha tumanlaridan tashrif buyurgan jami 150 nafar yosh harbiy orkestr sadolari ostida kutib olinib, ularga Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari va "O'zbek jang san'ati" jamoasi tomonidan tayyorlangan turli chiqishlar namoyish etildi. Shuningdek, yoshlar "Temurbeklar maktabi" da yaratilgan shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishdilar.

Yoshlarni vatanparvarlik va qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalash maqsadida Mudofaa vazirligiga qarashli qo'mondonlik, Milliy gvardiya mas'ul ofitserlari, Harbiy prokuratura mutasaddilari ishtirokida "Rahbar

va yoshlar" uchrashuvi o'tkazildi.

Uchrashuvda yoshlarga Qurolli Kuchlar va sud-huquq sohasidagi islohotlar, yoshlar o'rtasida huquqbuzarlik hamda jinoyatchilikning oldini olish masalalari muhokama qilinib, ishtirokchilarning qiziqtirgan savollariga mutasaddilar tomonidan batafsil javoblar berildi.

Adliya podpolkovnigi Sardorbek YORMATOV,
O'zbekiston Respublikasi
Harbiy prokurorining yordamchisi

MAKTABLARDA "PROKURORLIK SOATLARI" O'TKAZILMOQDA



O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlari tomonidan mamlakatimizning olis hududlaridagi umumta'lim maktablarida o'quvchi-yoshlarni vatanparvarlik, qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalash maqsadida "Prokurorlik soatlari" o'tkazib kelinmoqda.



Xususan, o'quv jarayonlari boshlanishi bilan harbiy prokurorlar mamlakatimizning turli burchaklaridagi eng olis hududlarga yetib borishdi. Ushbu qisqa vaqt ichida harbiy prokurorlar tomonidan olis hududlardagi 100 ga yaqin umumta'lim maktablarida bu kabi o'quv mashg'ulotlari o'tkazildi.

Misol uchun, Qoraqalpog'iston Respublikasining Mo'ynoq tumani Qazaqdaryo ovulidagi 15-, Navoiy viloyati Uchquduq tumanining Mingbuloq mahallasidagi 11-, Buxoro viloyati Romitan tumanining Gazli mahallasidagi 36-, 37-, Jizzax viloyati G'allaorol tumanining Qipchoqsuv mahallasidagi 70-, Farg'ona viloyatining So'x tumanidagi 18-umumta'lim maktablarida malakali prokuror-tergov xodimlar tomonidan "Prokurorlik soatlari" o'tkazilib, o'qishda yuqori natijalarga erishgan o'quvchilarga kitoblar sovg'a qilindi.

E'tiborli jihati shundaki, o'quv mashg'ulotlariga Qurolli Kuchlar faxriylari, harbiy xizmatchilar ham keng jalb qilinmoqda.

Adliya polkovnigi Sherzod XAYITOV,
O'zbekiston Respublikasi
Harbiy prokurorining katta yordamchisi

TAHLIL VA IJRO

MUVOFIQLASHTIRUVCHI KENGASH YIG'ILISHI BO'LIB O'TDI

Samarqand harbiy prokuraturasi tomonidan viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasining majlislar zalida 2022-yilning o'tgan davrida jinoyatchilik va huquqbuzarlik tahlili, uning oldini olishga qaratilgan tadbirlarga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazildi.



Yig'ilishda Samarqand viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi va uning bo'ysunuvdagi barcha muassasalarning rahbar va harbiy xizmatchilari ishtirok etdi.

Tadbirda o'tgan davrda qayd qilingan jinoyat va huquqbuzarliklarning sabablari tanqidiy tahlil qilinib, ular sodir etilishining shart-sharoitlari atroflicha o'rganildi va kelgusida ushbu xato hamda kamchiliklarga yo'l qo'yilgan taqdirda mas'ullarga qat'iy choralar ko'rilishi ta'kidlandi.

Shuningdek, kelgusida harbiy xizmatchilar tomonidan xizmat faoliyati davomida kuzatilishi mumkin bo'lgan

qonun buzilishi holatlari, sodir etilishi mumkin va ehtimoli bo'lgan huquqbuzarlik va jinoyatlarni oldindan bartaraf etish hamda oldini olish lozim bo'lgan holatlar tahlil qilinib, tegishli chora-tadbirlar belgilandi va ijroga qaratildi.

Adliya polkovnigi Ergash TLAVOV,
Samarqand harbiy prokurorining katta yordamchisi

SPORT

HARBIY PROKURATURA XODIMLARI BELLASHDI

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlarida xizmat qilayotgan prokuror-tergov xodimlarning salomatligini mustahkamlash, ularni sog'lom turmush tarziga jalb qilish hamda sport turlari ommaviyligini oshirish maqsadida muntazam ravishda turli musobaqalar o'tkazib kelinmoqda.



Jumladan, Mudofaa vazirligi sport markazida stol tennisi bo'yicha "O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurori" kubogi o'tkazildi.

Sport musobaqasida g'oliblikni qo'lga kiritgan xodimlar O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurorining o'rinbosari Qahramon Isroilov tomonidan diplom va medallar bilan taqdirlandi.

Adliya kapitani Lochin QURBONBOYEV,
Respublikasi Harbiy prokuraturasi
bo'lim katta harbiy prokurori

Донорлик — БЕГАРАЗ КЎМАК

Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмда «Қон донорлиги ҳафталиги» доирасида «Мен донорман» шиори остида бегараз донорлик акцияси ўтказилди.



Muallif suraiga olgan

Унда кўнгилли ҳарбий хизматчилар ихтиёрий равишда, санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда қон топширди.

Инсон ҳаётини асраб қолиш кўпинча қон қуйиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, беморга фақатгина ўзининг гуруҳига мос қон қўйилиши талаб этилади. Донорлик қонга эҳтиёжи бор беморлар учун бебаҳо кўмақдир. Қон донорлиги жамиятда инсонпарварлик, ватанпарварлик, сезгирлик каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қон донорлигининг инсон организмига таъсири ва фойдали хусусиятлари ҳақида акцияда қатнашган малакали мутахассисдан маълумот олдик.

— Қон донорлиги натижасида организмда иммунитет мустаҳкамланади, лейкоцит, тромбоцитлар қайта тикланиб, қон таначалари янгиланади, одам ўзини энгил ҳис қилади, — дейди Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали Қон тайёрлаш маркази катта ҳамшираси Дилфуза Ҳусанова. — Қон — тирик ҳужайра. Донордан олинган қон ҳолати ўзгартирилмаган ҳолда антикоагулянтли шаффоф халтачада

35 кунгача сақланади. Шу муддат ичида бу бебаҳо неъмат оғир аҳволда нажот кутаётган қайсидир бемор ҳаётига янгича умид ва мазмун бағишлайди. Қон ва қон маҳсулотлари авария, табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида жароҳатланганларга самарали ёрдам кўрсатишда, шунингдек, ҳомиладорлик ҳамда туғиш натижасида қон кетишини бошдан кечирган аёлларга, безгак ва тўйиб овқатланмаслик натижасида оғир анемия билан оғриган болаларга, қон ҳамда суюқ илиги касалликлари, гемоглобин синтези ва иммунитет танқислиги, мураккаб тиббий ва жарроҳлик муолажаларини бошдан кечираётганларга жуда муҳим манбадир.

Президентнинг 2022 йил 9 августдаги «Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, Мудофаа вазирлигида ҳам бегараз қон донорлиги акциялари ўтказилмоқда. Қисм тиббиёт хизмати бошлиғи тиббий хизмат лейтенанти Акмал Бойназаровнинг таъкидлашича, мазкур акция ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида мунтазам равишда ўтказилиши кўзда тутилган.

Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

MUDOFAGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKIOTLARIDA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFASIGA KO'MAKLASHUVCHI "VATANPARVAR" TASHKIOTINING NAMANGAN VILOYATI KENGASHI TOMONIDAN SPORTNING TEXNIK VA AMALIY TURLARINI YOSHLAR O'RTASIDA RIVOJLANTIRISH BORASIDA KENG KO'LAMLI ISHLAR AMALGA OSHIRILMOQDA. XUSUSAN, TASHKIOTNING CHUST TUMANI O'QUV SPORT-TEXNIKA KLUBIDA HAM SPORTNING USHBU TURLARINI KENG OMMALASHTIRISH VA RIVOJLANTIRISHGA KATTA E'TIBOR QARATILMOQDA.

M

MUNOSIB MEHNAT SAMARASI

— Ushbu nufuzli musobaqalarda ishtirok etgan sportchilardan N. Zayliddinov, S. Soqiyev, S. Yuldashev, H. Qurbonaliyev, O. Fazliddinov aynan «Vatanparvar» tashkiloti Chust tumani o'quv sport-texnika klubi a'zolari ekanligidan haqli ravishda faxrlanamiz, — deydi O'STK boshlig'i Tohirjon Toshmatov. — Albatta, bunday yutuqlar tashkilotimizdagi murabbiy va to'garak yetakchilarining, qolaversa, tashkilot viloyat kengashi rahbariyatining ham mashaqqatli mehnatlari samarasidir.

Ayni paytda yoshlarimiz sportning texnik va amaliy turlaridan havo miltig'idan o'q otish, yozgi biatlon, karting, motosport hamda raketamodel kabi muhim turlari bilan shug'ullanib kelmoqdalar. Shu kunlarda seksiyalardagi ishtirokchilar soni yuz nafardan ziyodroq yoshni tashkil etmoqda.

Bundan tashqari, tashkilotda «B», «BC», «BE», «CE» toifalar bo'yicha haydovchilar ham tayyorlanmoqda. Masalan, 2022-yilda 764 nafar haydovchi mutaxassis tayyorlashga erishildi.

Shu o'rinda ta'kidlab o'tish joizki, tashkilotda yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasida ham salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Birgina mamlakatimiz Qur'olli Kuchlari tashkil etilganining 31 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan o'tkazilgan «Vatanparvarlik

oyligi» doirasida «Milliy armiyamiz Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqonidir!» shiori ostida turli ma'naviy-ma'rifiy tadbir va ochiq eshiklar kuni o'tkazilgani fikrimiz isbotidir. Tuman mudofaa ishlari, xalq ta'limi, harbiy qismlar va boshqa ko'plab hamkor tashkilotlar ko'magida tashkil etilgan tadbirlarda yoshlarning keksa avlod vakillari bilan uchrashuvi o'ziga xos an'anaga aylangan. Albatta, bunday muloqotlar yoshlar qalbida vatanparvarlik tuyg'usining shakllanishida muhim ahamiyat kasb etmoqda.



Natijada viloyat terma jamoasi shakllantirilib, ularning nufuzli musobaqalarda ishtiroki ta'minlanayapti. Masalan, Raketamodel turi bo'yicha o'tkazilgan xalqaro musobaqalarda ishtirok etgan namanganlik sportchilar bir necha bor yuqori o'rinlarni — 6 ta oltin, 3 ta kumush hamda 2 ta bronza medalni qo'lga kiritishga muvaffaq bo'lishdi.

ТУМШУАК ЭИМ ТИ

Момақалди роқнинг гумбураган даҳшатли овозидан чўчиб уйғонган Ҳалима секин кўрпадан бошини чиқариб, дераза томонга қаради. Деразанинг икки табақаси ҳам очилиб кетибди. Шамол парда билан қувлашмачоқ ўйнаётгандек уни кўтариб айлантирарди. Аёлнинг юзига ёмғир томчилари сачрагандан сўнггина хушига келди. У кучли гумбураган кўрқинчли овоз ва ёруғликдан юраги ҳаприқиб, деразани апил-тапил ёптида, болалари ётган хонага кирди. Ўғиллари Сирож ва Самир ширингина ухлаб ётарди. Уларга ҳавас-ла термилиб, хаёлга чўмди. Болалари бирпасда катта бўлиб қолишибди. Ҳадемай, норғул йиғитлар бўлишди. Тўйлар қилади, бу хонадонга келинлар келиб, бағрини тўлдирарди. Аёл ширин орзуларга берилганча болаларининг ёнида уйқуга кетди.



– Ҳалима, тур, болалар мактабга кеч қолади, нонушта тайёрла! – Ҳалима турмуш ўртоғи Худойбердиннинг овозини эшитса ҳам ўрнидан тургиси келмай жойида ётаверди. Нуржамол буви келинининг уйғонмагани учун ўзи нонушта тайёрлашга киришди. Кейин Сирож ва Самирни овқатлантирди. Болалар нонуштани тез-тез еб, мактабга кетишди. Худойберди эса ишга жўнаб кетди.

Бир пайт телефоннинг тўхтовсиз жиринглашидан Ҳалима чўчиб уйғонди. Норози бўлиб, «эрта тонгдан қайси бекорчи телефон қиялпти?» деб деворда осилган соатга қаради. Соат миллари 9 ни кўрсатарди. У тезда бориб, телефон гўшагини кўтарди.

– Алло, эшитаман, – деди Ҳалима энсаси қотиб.

– Ассалому алайкум, Ҳалима опа, яхшимисиз? Узр, безовта қилдим. Мен Сирож ўғлингизнинг синф раҳбари Зарифа Қўчқоровна бўлман, – деди телефон қилаётган аёл ёқимли овозда.

Ҳалима кеча ота-оналар мажлисига бормагани ёдига тушиб, хижолат бўлиб кетди.

– Эй Зарифахон, ваалайкум асса-лом, – дея олди зўрға.

– Ҳалима опа, иложи бўлса, мактабга келиб кетсангиз, – деди ўғлингизнинг синф раҳбари.

– Ишингиз бўлса, телефонда гаплашасан бўлмайдим, вақтим йўқ эди-да, уй ишларим бошимдан ошиб ётибди, – деди Ҳалима зарда билан.

– Ўғлингизнинг таълим-тарбияси ҳақида гаплашмоқчи эдим, – деди унга жавобан устоз ҳам норози оҳангда.

– Шунингиз телефонда гаплашасан ҳам бўлади-ку, нега тушунмайсиз, вақтим йўқ мактабга боришга. Давлат сизларга маош тўлайдими? Тўлайди! Шунинг учун, синглим, ишланг-да! – Ҳалима жажл билан телефон гўшагини қўйиб қўйди.

Чорпо устида ёстиққа суяниб ўтирган онахон келинини кузатиб турган экан, уни ёнига чақирди.

– Ҳалимахон, ким телефон қилди, нима иши бор экан? – деди қайнонаси.

– Катта набиранингизнинг устози мактабга келиб кетинг, дейди, бора олмаслигимни айтдим, ойижон.

– Болам, нега ундай дедингиз? Фарзанд кимники, унинг келажаги ҳақида сиз ўйламангизми ким ўйлайди?! – деди онахон келинига босиқлик билан.

Қайнона-келин ўртасидаги суҳбатни кўча эшикнинг кўнғироқ овози бўлди. Ҳалима эшикни очгунча ҳам кўнғироқ қайта-қайта жиринглади. Дарвоза табақасини очган аёл хайрон бўлиб қолди: останада ўғли Сирож турарди.

– Ўғлим, мактабдан эрта қайтибсанми? – деди аёл ўғлига йўл бўшатар экан.

– Эй, бунча имилладингиз, тез-тез келиб, эшикни очмайсизми, ойи! – Сирож онасининг саволига жавоб бериш ўрнига унга ўшқирди. – Бошим оғриди, устоздан жавоб олиб келдим. Бўлди-ми, энди кўнғилнинг жойига тушдимми? Ўғли шундай деб тез-тез юриб кетди.

Ҳалима ўғлидан ҳеч қачон бундай гап эшитмагани учун худди биров кўйлагини деворга михлаб қўйгандек қотиб қолди.

– Сирож, болам, қаердан кел-япсан, кап-катта боласан-ку, уст-бошинга қара, бунча ифлос юрмасангиз? – қайнонасининг ўғлини койиётганидан ўзига келган аёл уларнинг ёнига ошиқди.

– Буви, энди сиз бошладингизми, сизнинг нима ишингиз бор? – Сирож афтини буриштириб, қўлидаги папкасини ҳовлининг бир бурчагига улоқтирди ва «ўзича ҳамма ўзини ақлимман деб ўйлайди, мени тергагани тергаган!» деганча тўнғиллай-тўнғиллай, уйга ки- р и б

кетди. Қайнонасининг ўғлига гапиргани Ҳалимага ҳам ёқмади. Жаҳли чиқиб кетди.

– Менинг болаларимга умуман гапирманг, ойи, жимгина китоб ўқинг, кўчага чиқинг, ўтган-кетганлар билан суҳбатлашинг! – деди Ҳалима қайнонасига заҳархандалик билан. Кейин Сирож кириб кетган уй томонга қараб баланд овозда чақирди:

– Ўғлим, мактаб формангни алмаштириб, юз-қўлингизни ювиб кел, овқатланиб ол, қорнинг очгандир, – деб ошхонага кириб кетди.

Қайнонаси келинининг орқасидан хайрон қараб қолди, чунки ота-боболаримиз «Бола азиз, одоби ундан азиз», деб бекорга айтмаган. Қария чуқур ух тортганча бир нуқтага тикилиб қолди.

Ҳалима хонтахта устига дастурхон ёзиб, нон, қанд-қурслар, ширинлик, иссиқ памил чой олиб келди. Сирож қовоғини осганча бувисига тескари ўтириб, нимадандир хавфсизрагандек шошиб чойини ича бошлади.

– Устозингиз телефон қилиб, мени мактабга чақиряпти. Тинчликми, яна нима каромат кўрсатдингиз? – деди Ҳалима ўғлингиз олдида бир коса маставани кўя туриб.

– Ҳаа, хавотир олманг, ҳеч нарса қилганим йўқ. Синф деразасини ёпмоқчи бўлиб каттиқроқ итарибман, ойнаси чил-чил синди, шунга чақиргандир, ойи, – деди Сирож бўлган воқеани она-сидан яшириб. Шу вақт дарвоза эшиги зарб билан очилиб, шундай зарб билан ёпилди. Дарвозахонада дадасини кўрган Сирож чорпоядан сакраб, югуриб уйга кириб кетди.

– Дадаси, бугун тушликка барвақт келибсизми? – деди унинг истиқболига чиққан Ҳалима хайрон бўлиб. Кейин эса кўшиб қўйди: – Бугун ҳамма уйга вақтли келадиган кунми, дейман.

Хотинининг бемаврид ҳазилидан Худойбердиннинг энсаси қотди. У Ҳалимага бир сўз демая, чорпо томонга юрди.

– Ассалому алайкум, онахоним, нега кайфиятингиз йўқ, сизни кимдир хафа қилдими? – дея онасининг тиззасига бошини қўйиб, кўзларини юмди.

Ҳалима эрининг олдида чой ва овқатини қўйди-да, энди гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди:

– Кўп гапирмай, онамга ҳам овқат олиб кел, – деди Худойберди.

– Ойим овқатларини ичганлар, – деди Ҳалима ёлғондан. Кампир ялт этиб келинига қаради, унинг вазоҳатини кўриб, «ҳа, болам, мен боягина едим», – дея томоғига нимадир тикилди.

Бу манзарани ўз хонасидан кузатиб турган Сирож онасининг бувисига қилаётган муомаласидан жаҳли чиқди. У онасининг бувисига бераётган азобларини анчадан буюн сезиб келарди. Бир вақт онаси ёқимсиз кулиб:

– «Ойим Юлдузхонни соғинибдилар, дадаси», – деди қайнонасига қараб. У кўзлари билан ўз сўзини тасдиқла-тишга ҳаракат қилди. Келинининг бу вазоҳатини кўрган қария йиғлаб юборди. У келини томонидан қадрсизлигига йиғлаётганди. Ахир қанча қийинчиликлар билан ўғил-қизини ўстирди, олий маълумотли қилди. Ўғлимнинг ортидан келин келса, қизимдек меҳрибон бўлар, деб ўйлаганди. Минг афсуслар бўлсинки, ҳамма келинлар ҳам қиз бўла олмаслигини келин туширгачина билди.

Ўғли онасини бу ҳолатда ҳечам кўрмаганди, хайрон бўлиб онасининг елкасини силади. У шу лаҳзада хотини онасининг дилини оғритганини кўнгли сезди, бундан оғринди. Кейин бошини кўтариб хотинига ғазаб билан тикилди-ки, Ҳалима доврираб қолди.

Эри қўл телефонини олиб, синглисига кўнғироқ қилди. Унга вазиятни тушунтирди, у бир соатларда етиб бораман, деди.

Шу пайт дарвозахонада Сирожнинг синф раҳбари ва участка нозирининг қораси кўринди. Худойберди уларнинг истиқболига чиқиб, чорпоёга бошлади. Синф раҳбари Зарифа Қўчқоровна «Мактаб устави»дан кўчирма олиб, отасининг кўлига берди. Ота-онанинг бола тарбиясидаги ўрнини, ўқишини ҳар кун назоратга олиши кераклигини

тушунтирди. Сирожнинг ўқиши яхши, лекин тарбияси билан жиддий шуғулланиши кераклигини, кейинги пайтларда устозлари, синфдошлари, мактаб хизматчиларига гап қайтараётганлигини, ўртоқлари билан уришиб, мактаб ойналарини синдирганлигини айтди.

Отаси энди уни ўзи қаттиқ назоратга олишини айтиб, улар билан хайрлашди.

Меҳмонлар кетгач, дадаси Сирожга қараб, «Ҳозир амманг бувингни олиб кетганидан сўнг гаплашман», деди норози оҳангда.

– Нима? Амманг бувимни олиб кет-дими? – энг азиз кишидан ажралиб қолаётган Сирож бувисининг кучоғига ўзини отди.

– Буви, бувижон, мен аҳмоқ набирангизни кечиринг! – дея бувисининг кўксига бошини қўйиб, қайта-қайта кечирим сўради.

Бувиси Сирожнинг бошини кўтариб, пешонасидан ўпиб, бағрига босар экан, «Болажоним, бошинг тошдан бўлсин, сендан асло хафа эмасман!» дея секин пичирлаб, бағрига босди.

Дарвоза ёнига енгил машина келиб тўхтади, кўчада ўйнаб юрган Самир «аммажоним келди», деб югуриб ҳовлига кирди. Юлдуз ва Козимбек келишди.

Юлдуз онасини бағрига босиб, унинг меҳр тўла кўзига боқар экан, бу уйда хўрланаётганлигини, келинойини иссиқ-совуғидан хабар олмаётганини сезди. Сезде-ю, кўзларидан шашқатор ёшлар тўхтовсиз, ёмғир томчиларидек юзидан оқа бошлади. Ўзини зўрға қўлга олган аёл, «онамнинг кийимларини олиб чиқай», деб ётқоҳонага кирди-да, акаси ва келинойини чақирди.

– Ака, сиз ҳеч онамнинг хонасига кирасизми? Қаранг, бу уйнинг чангини. Сочикларга қаранг, пиёлаларни, чойнакни қаранг! Ака, онамга шунга чой дамлаб беряптими хотинингиз? – жаҳл билан кўчага улоқтирмоқчи бўлди-ю, шайтонга ҳай бериб, онасининг кийим жавонини очди-да, қотиб қолди. Жавонда эски, ранги ўчган кўйлак ва рўмолдан бошқа нарса йўқ эди.

– Келинойи, мен яқинда онамга тиктириб олиб келган кўйлақлар қани, қаерга кетди? – деди Юлдуз келинойиси ва акасига бир-бир қараб. Худойберди ҳам хайрон бўлганча хотинига тикилди. Ҳалима эса кўзини олиб қочарди. Шу вақт дераза тириқшидан мўралаб турган Самир:

– Амма, сиз олиб келган кўйлақларни ойим Замира бувимга бердилар, «жуда ярашди, атайлаб сизга тиктирдим», деб сумкаларига солиб юбордилар, – деди.

Юлдуз энди гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, онаси гапирма дегандек бошини қимирлатди. У ғазабдан ўзини зўрға тийди.

– Ҳа, майли, онажонимнинг бош-кўзларидан садақа, – деди-да, шахт билан юриб хонадан чиқди.

Юлдуз онасини олиб кетадиган бўлди. Машинага онахоннинг куёви Козимбек ўтқазди. Машина секин жойидан жилди. Орқа ўриндиқда Юлдуз онасини оҳиста кучоқлаб борарди. Онаси секингина паст овозда қизининг қулоғига «Иссиқ нон ол!» деди.

Козимбек жуда фаҳм-фаросатли йигит эди. Юлдузхонга қараб:

– Юлдузхон, менинг қорним жуда очди, бирор жойда овқатланиб олайлик, – деди.

Улар йўл бўйидаги шином ошхонага тушишди. Ёнида катта бозор ҳам борлигини кўриб, Юлдуз хурсанд бўлиб кетди.

Қайнонасининг яхши дам олиши учун четроқдан жой танлади. Улар овқатланиб бўлгач, анча вақтгача ошхонада чакчақлашиб ўтиришди. Бу орада Юлдуз ошхона ёнидаги бозорчадан онасига кийим-кечак харид қилиб келди. Қизга ва куёвининг меҳрибонлигидан кўнгли ийиб кетган онахон кўз ёшларини тўхтата олмасди. Ҳар кунги кўз ёшлардан фарқли ўлароқ бу қувонч ёшлари эди...

Гулчеҳра ШОДМОНОВА
Навойи вилояти
КониMex тумани

6 февраль тонгида Туркия ҳамда Сурияда юз берган zilzilalar insoniyat qalbiga tитроқ солди. Табиий офат сабаб минглаб инсонлар ҳалок бўлди, шаҳарлар вайронага айланди. Қуйида яқин ва узоқ тарихдаги энг катта талафотлар келтирган zilzilalar ҳақида тўхталамиз.

Иттифоқ режимининг ёпиқлиги сабаб қурбон бўлганлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Манбаларда бир неча ўн минглаб қурбонлар ҳақида сўз боради.

Яқин 30 йил

Сўнги ўн йилликдаги энг вайронкор zilzila шубҳасиз 2011 йилда Япония соҳиллари яқинида содир бўлган табиий офатдир. Соҳилдан 72 км масофада, 30 км чуқурликда кечган тебранишлар магнитудаси 9 баллни ташкил этган эди. 6 дақиқа давом этган zilzila натижасида баланглиги 40 метрдан ортиқ цунами кўтарилиб, у энг катта талафотларга сабаб бўлди.

Бевосита қурбонлар сони 15 892 киши бўлди, 6 мингдан ортиқ одам жароҳатланди, 2 676 киши бедарак йўқолди.

Цунами натижасида «Фукусима» атом электростанциясида авария юз берди ва бу умуман АЭСлар тақдирига жиддий соя солди. Бу табиий офат япон иқтисодиётига 185-235 млрд доллар зарар келтиргани ҳисоблаб чиқилган.

2008 йилнинг 12 май кечасида Хитойда, Осиё-Тинч океани ҳудудида содир бўлган zilzila кучи нисбатан кам – 8 балл бўлса-да, қурбонлар сони жуда кўп – 69 195 киши бўлди. 18 мингдан ортиқ одам бедарак йўқолди, 5-11 млн киши бошпанасиз қолди.

1995 йилнинг 17 январида Япониянинг Кобе шаҳри яқинидаги zilzila кучи 6,9 баллга тенг бўлди. Аммо шу ҳам 150 мингдан ортиқ бинонинг вайрон бўлишига ва 6 434 кишининг жони узилиб, 300 мингдан ортиқ инсон бошпанасиз қолишига кифоя қилди.

Иқтисодий зарар кўлами 100 млрд доллардан ортгани ҳисоблаб чиқилган.

МОЗИЙ

Ашхобод zilzilasi.

Собиқ Иттифоқ тарихидаги энг даҳшатли zilzila сифатида қайд этилган.

1948 йилнинг 5 ва 6 октябрь кунлари содир бўлган табиий офат кучи 9 баллни ташкил этган.

ТАРИХДАГИ ЭНГ ДАҲШАТЛИ ЗИЛЗИЛАЛАР

ЯНА ЯПОНИЯ

Ороллардан иборат бу ўлкада ҳар куни турли қувватдаги бир неча zilzila содир бўлиши оддий ҳол ҳисобланади. Аммо 1923 йилнинг

1 сентябрида содир бўлган табиий офат тебранишларга кўникиб қолган кунчиқар юрт вакилларининг қалбида ўчмас доғ қолдиргани аниқ.

8,3 балли бу zilzila натижасида 105 мингдан 142 минггача киши ҳалок бўлгани, яна минглаб кишилар бедарак йўқолгани ва 2 миллионга яқин одам уйсиз қолгани қайд этилган.

КАЛЬКУТТА ЗИЛЗИЛАСИ

Zilzilaning ўзи бир офат, аммо унинг аҳоли зич ҳудудда содир бўлиши зарар кўламини бир неча карра ошириб юборади.

Ҳиндистон тарихидаги энг вайронкор zilzila сифатида қайд этилган Калькутта zilzilasi 1737 йилда 300 минг одамнинг ёстиғини қуритгани тахмин қилинади.

**ХИТОЙ – БИР ОФАТДА
 830 МИНГ ИНСОН**

Тарихда миллиондан ортиқ одам ўлгани ҳақида миш-мишлар юрадиган, аммо расман қайд этилмаган ва исботлаш қийин бўлган Қоҳир zilzilasi тўғрисида ҳам битиклар мавжуд. Аммо тарихчилар бунга катта шубҳа билан қарашади.

Бироқ 1556 йилда Хитойнинг Ганьсу ва Шэньси музофотларидаги zilzila атрофлича ўрганилган ва унинг оқибатлари чиндан ҳайратланарли. 830 минг кишининг ҳаётига нуқта қўйган бу zilzila натижасида ҳудуд ерида 20 метрдан ортиқ чуқурликдаги ёриқлар пайдо бўлган. Эпимарказдан 500 км масофадаги биноларга ҳам тебраниш кучидан зарар етган.


Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



@Vatanparvargazetasi_bot
 "Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



**SHU SONNING
 ELEKTRON SHAKLI**

<p>VATANPARVAR</p> <p>MUASSIS</p>  <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI</p> <p>www.mudofaa.uz</p>	<p>Tahririyat kengashi: general-mayor Hamdam Qarshiyev polkovnik Otabek Yuldashev polkovnik Alisher Boboxonov Maqsud Abilov</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.</p> <p>Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.</p>	<p>Bosh muharrir: podpolkovnik Ahror Ochilov</p> <p>ISSN 2010-5541</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>Telefonlar: kotibiyat: 71 260-36-50 buxgalteriya: 71 260-35-20 yuridik bo'lim: 71 260-29-41 faks: 71 260-32-29</p>	<p>Navbatchi: katta leytenant Islomjon Qo'chqorov Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo'ziyeva Musahhih: Mastura Qurbonova</p> <p>Buyurtma: Г-0205 Hajmi: 6 bosma taboq Bichimi: A3 Adadi: 35 424 nusxa Bosishga topshirish vaqti: 14:00 Topshirildi: 14:30</p> <p>Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga "O'zbekiston" NMU mas'ul.</p>	<p>Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqa boshlagan.</p> <p>Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.</p> <p>"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.</p> <p>1 2 3 4 5 6</p> <p>Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.</p>
--	---	--	--	--